

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ПЕРИНАТАЛ МАРКАЗИНИНГ БЎШ ТУРГАН СОБИҚ
ГИНЕКОЛОГИЯ БЎЛИМИ БИНОСИ ЎРНИДА ТИББИЁТ МАРКАЗИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ЛОЙИХАСИ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ТАКЛИФЛАРИ
СЎРОВНОМАСИ**

Тошкент шаҳри 2021 йил

МУНДАРИЖА

1. АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР	3
2. МАСЪУЛИЯТНИ ЧЕКЛАШ ТЎҒРИСИДА ИЗОҲ.....	5
3. КИРИШ	5
3.1. Умумий маълумотлар	5
3.2. ДХШ лойиҳасининг умумий тавсифи	7
3.3. Таклиф этилаётган молиявий механизмларнинг баёни	9
3.4. Тендер	9
3.5. Талабгорга қўйиладиган талаблар ва хавф-хатарларнинг тақсимланиши.....	9
4. ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН АРИЗА	11
4.1. Кириш	11
4.2. I қисм – Малакага оид талаблар	11
4.3. Ҳуқуқий мезонларга мувофиқлиги	12
4.4. Ҳуқуқий мезонлар талабларига мувофиқлиги.....	12
4.5. Техник мувофиқлик.....	12
4.6. Молиявий мувофиқлик	13
4.7. II қисм - Техник таклиф	13
4.8. III қисм - Молиявий таклиф.....	13
5. ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН АРИЗАЛАРНИ ТОПШИРИШ	13
5.1. Тушунтиришлар.....	13
5.2. Тендерда қатнашиш учун аризаларни топшириш муддати	13
5.3. Тендерда иштирок этиш учун ариза ва Тендер таклифларини шакллантириш, имзолаш ва топшириш	14
5.4. Тендер таклифларини юбориш.....	14
6. ТАЛАБГОРЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА	15
А. Асосий қисм	15
6.1. Тендернинг умумий шартлари	15
6.2. Тендер таклифи	15
6.3. Саволлар, тушунтиришлар ва ўзгаришлар	16
7. ТАКЛИФЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА ҒОЛИБНИ ТАНЛАШ	20
8. ДХШ ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМНИ ТУЗИШ	24
9. ИЛОВАЛАР	26
1-ИЛОВА: Тендер таклифининг умумий маълумотлари ва таркиби.....	26
2-ИЛОВА: Тендерда қатнашиш учун ариза шакли.....	27
3-ИЛОВА. Малакани тасдиқлаш тўғрисидаги ариза шакли	30
4-ИЛОВА. Ишончнома шакли	33
5-ИЛОВА: Техник таклифлар учун минимал талаблар.....	34
6-ИЛОВА: Молиявий таклифлар шакли	36
7-ИЛОВА: Кафолат таъминоти шакли	37
8-ИЛОВА: Тендер таклифларини баҳолаш шакли.....	39
9-ИЛОВА: ДХШ тўғрисидаги Битим лойиҳаси	44

1. АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

1.1. Ушбу Тендер таклифлари сўровномасида фойдаланиладиган атамалар ва тушунчалар қуйидаги маъноларга эга:

Давлат шериги - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

Давлат-хусусий шериклик - ДХШ

Тақиқланган ҳаракатлар - бу Тендерни ёки ДХШ лойиҳасини амалга ошириш жараёнида, шу жумладан, ДХШ тўғрисидаги битимни тузиш ёки уни амалга оширишда, шунингдек, ДХШ лойиҳасини амалга ошириш ва бошқариш жараёнида ҳар қандай Коррупцион ҳаракатлар, Фирибгарлик, Тил бириктириш ёки Мажбурлаш;

ТТС - Тендер таклифлари сўровномаси;

Коррупциявий ҳаракат - Тендер билан боғлиқ ҳар қандай мансабдор шахсларга нисбатан уларни бевосита ёки билвосита моддий ва номоддий манфаатларга қизиқтирган ҳолда таклиф бериш йўли орқали ғайриқонуний равишда ўз таъсирини ўтказиш (шубҳалар туғдирмаслик мақсадида, Тендер билан боғлиқ Давлат шериги/Тендер комиссиясининг ҳар қандай мансабдор шахсини бевосита ёки билвосита ҳар қандай иш таклифлари, ёллаш ёки бошқа йўл билан жалб қилиш);

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (ССВ) - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

Объект - ДХШ лойиҳаси амалга ошириладиган Давлат биноси ва унга тегишли бўлган ер майдони.

Тендер таклифлари аризаси - ушбу ТТСнинг **2-иловаси**да келтирилган, Талабгорлар томонидан ўз Тендер таклифлари билан бирга тақдим этилган хат;

Тендер ғолиби - Тендер комиссияси томонидан энг мақбул деб топилган Тендер иштирокчиси.

Талабгор - Тендерда иштирок этиш учун ариза топширган юридик шахс, шу жумладан хорижий компания;

ДХШ лойиҳаси - Давлат-хусусий шериклик асосида, ДХШ тўғрисидаги Битим шартларига мувофиқ, Сирдарё вилояти перинатал марказининг бўш турган гинекология бўлими биноси ўрнида тиббиёт марказини ташкил этиш лойиҳаси;

Тендер натижалари баённомаси - Тендер таклифларини баҳолаш натижалари, Тендер ғолиби ва Заҳирадаги ғолибни эълон қилиш ёки Тендер ғолиби ва Заҳирадаги ғолибнинг йўқлиги ёки Тендерни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида Тендер комиссиясининг қарори ҳақида хабар берувчи Тендер комиссияси мажлисининг баённома;

Реестр - Давлат шериги томонидан сақланадиган ва юритиладиган, Тендер таклифларини тақдим этиш, алмаштириш, ўзгартириш ёки қайтариб олиб санаси ва вақти тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оловчи ҳужжат;

Заҳирадаги ғолиб - Тендер комиссиясининг қарорига биноан Тендер ғолибининг тендер таклифидан кейинги иккинчи энг яхши деб тан олинган Талабгор;

ДХШ тўғрисидаги Битим - Давлат шериги ва Тендер ғолиби ўртасида ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун тузиладиган битим;

Тендер - Тендер ғолибини танлаш жараёни;

Тендер ҳужжатлари - Тендерни ўтказиш учун Давлат шериги томонидан ишлаб чиқилган ТТС;

Тендер комиссияси – Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи учун тендер ўтказиш мақсадида ташкил қилинган комиссия;

Тендерни баҳолаш - ТТСнинг **8-Иловасига** мувофиқ Малака талаблари, Техник ва Молиявий таклифларнинг якуний баҳолаш;

Тендер таклифи - Талабгор томонидан Тендер комиссиясига ушбу ТТСга мувофиқ тақдим этилган Малака талаблари, Техник таклиф, Молиявий таклиф ва Илова қилинадиган ҳужжатлар;

Ваколатли вакил - Тендер таклифини имзолаш, тақдим этиш, шунингдек Тендер доирасидаги ҳар қандай масала юзасидан Тендер комиссияси олдида қатнашиш бўйича нотариал тартибда расмийлаштирилган ишончнома ёки бошқа ҳужжат асосида ваколат берилган Талабгорнинг вакили тушунилади¹;

Хусусий шерик - Давлат шериги билан ДХШ тўғрисидаги битимни тузган Тендер голиби;

Миллий даволаш стандартлари – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи ёки бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тасдиқланган даволаш ва ташхис қўйиш стандартлари, клиник баённомалар ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;

1.2. Ушбу ТТСда қуйидаги талқин қоидалари қўлланилади:

(а) Ушбу ТТСнинг матнида ва унга тегишли иловаларда бош ҳарф билан ишлатилган сўзлар ва иборалар ушбу ТТСнинг “Атамалар ва тушунчалар” бўлимида кўрсатилган маъноларга эга;

(б) Ушбу ТТСнинг матнида ва унга тегишли иловаларда бош ҳарф билан ишлатилган, аммо ушбу ТТСнинг “Атамалар ва тушунчалар” бўлимида белгиланмаган сўзлар ва иборалар ДХШ тўғрисидаги Битим лойиҳасида кўрсатилган маъноларга эга;

(в) бош ҳарф билан Иловага ҳавола ушбу ТТСнинг тегишли Иловасига ҳаволани англатади;

(г) “шу жумладан”, “ўз ичига олади”, “хусусан” сўзлари ушбу атамалардан олдинги ёки кейинги сўзларнинг маъносини чекламайди;

(д) Бирлик шаклидаги сўзлар кўплик шаклидаги сўзларни ўз ичига олади ва аксинча (агар ТТС шартларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса);

(е) ТТС бўлимлар ва бандларга бўлинади; ТТСнинг бандлари кичик бандларга бўлинади; ҳужжатни кўрсатмасдан ҳар қандай бўлимга, бандга ёки кичик бандга ҳавола ушбу ТТСнинг тегишли бўлимига, бандига ёки кичик бандига ҳаволани англатади.

(ж) Ушбу ТТСнинг бўлимлари ва бандларининг сарлавҳалари фақат қулайлик учун мўлжалланган бўлиб, ушбу ТТСнинг талқинига ёки тузилишига таъсир қилмайди;

(з) Бирор-бир ҳужжатга ҳавола бандай ҳужжатга киритилган ўзгартиришлар билан ҳаволани англатади;

¹ Бундай ишончноманинг шакли ушбу ТТСнинг 4-Иловасида келтирилган. Агар Ваколатли вакил Талабгорнинг мансабдор шахси ҳисобланиб ва Талабгор номидан ишончномасиз ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга бўлса, бундай мансабдор шахснинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилиши лозим.

(и) Сон ва сўз шаклида ифодаланган рақамлар ўртасида номувофиклик мавжуд бўлган тақдирда, сўзлар билан ифодаланган рақамлар устунлик қилади;

(к) Агар ТТС матнида бошқача маъно назарда тутилмаган бўлса, “кун” “календарь кун”, “ой” “календарь ой” деган маънони англатади;

(л) Агар тегишли муддатнинг амал қилиш санаси Ўзбекистон Республикасида иш куни ҳисобланмайдиган санага тўғри келса, кейинги иш куни белгиланган муддатнинг тугаш санаси ҳисобланади.

2. МАСЪУЛИЯТНИ ЧЕКЛАШ ТЎҒРИСИДА ИЗОХ

Давлат шериги ушбу ТТСни фақат Талабгорлар томонидан тендер таклифларини куйида келтирилган қоидаларга мувофиқ тайёрлаш ва топширишда фойдаланиш учун тақдим этади. ТТС Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида тайёрланган.

Тендер комиссияси, Давлат шериги:

(а) исталган вақтда ушбу ҳужжатда ёки Талабгорга тақдим этилган бошқа ҳужжатларда келтирилган маълумотларнинг тўғрилиги ёки тўлиқлиги юзасидан (тўғридан-тўғри ёки билвосита) ҳеч қандай баёнот ёки кафолат бермайди;

(б) ушбу ТТС ёки Талабгорга тақдим этилган бошқа ёзма ёки оғзаки хабарлар учун жавобгар эмас;

(в) Тендер қатнашчисининг ушбу ТТСни баҳолаш ёки унга мувофиқ ҳаракат қилиш пайтида кўрган ёки ушбу ТТСда назарда тутилган потенциал келишув билан боғлиқ бўлган ёки бошқа сабабларга кўра юзага келган ҳар қандай харажатларини қоплаб бермайди.

Тендер комиссияси ва Давлат шериги Тендер таклифида келтирилган маълумотларга ва Тендер таклифига илова қилинган ҳужжатларга таянади ва уларда келтирилган барча маълумотлар ишончли ва тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилиб, бундай маълумотлар ва ҳужжатларни бекор қилиши мумкин бўлган ҳеч қандай камчиликлар мавжуд эмас деган фикр билан ишлайди ва нусхалар шаклида тақдим этилган барча ҳужжатларнинг тегишли асл нусхаларнинг ҳақиқий нусхалари эканлигига таянади.

Талабгорларга ушбу ТТСда тақдим этилган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларининг тўлиқ баёни, Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тўлиқ ва расмий талқини сифатида қаралмаслиги керак. Тендер комиссияси, Давлат шериги, ушбу ҳужжатда баён қилинган қонунлар ёки бошқа фикрларнинг аниқлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

Ушбу ТТС фақат Тендер таклифларини юбориш учун мўлжалланган таклифдир. Бу сармоя киритиш ёки бошқа бирор бир лойиҳада иштирок этиш таклифи сифатида талқин қилинмаслиги керак.

3. КИРИШ

3.1. Умумий маълумотлар

3.1.1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонунига биноан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ДХШ лойиҳасини амалга ошириш мақсадида ДХШ тўғрисида битим имзоланмайдиган Хусусий шерикликни танлаш учун “Давлат-

хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонун талабларига мувофиқ бир босқичли Тендер ўтказишга қарор қилди.

ДХШ лойиҳаси хусусий ташаббускор томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 апрелдаги ПҚ-4290-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги ПФ-5552-сон “Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармониغا биноан ташаббус қилинган.

3.1.2. Ушбу ТТС Тендерда иштирок этиш ва ушбу ТТСда белгиланган қоидалар ва шартларга мувофиқ ДХШ лойиҳаси учун Тендер таклифларини юбориш талаби сифатида қаралиши керак.

3.1.3. Хусусий шерик ДХШ лойиҳасини ДХШ тўғрисидаги Битим қоидаларига мувофиқ амалга ошириш учун жавобгар бўлади.

3.1.4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу ТТС билан хусусий компания ва ташкилотларни Сирдарё вилояти перинатал марказининг бўш турган собиқ гинекология бўлими биноси ўрнида тиббиёт марказини ташкил этиш, молиялаштириш, бошқариш ва тиббий хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун тендерда иштирок этишга таклиф қилади.

3.1.5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу ТТСда белгиланган мезонларга жавоб берадиган Талабгорларни ушбу ТТСга мувофиқ Тендерда иштирок этиш бўйича ариза юборишни таклиф қилади.

3.1.6. Талабгорлар якуний Тендер таклифларини топширишдан олдин ДХШ лойиҳаси амалга ошириладиган объектга бориш орқали ўзларини қизиқтирган маълумотлар билан тўлиқ танишиб чиқишлари мумкин.

3.1.7. ДХШ лойиҳаси доирасида Хусусий шерик қуйидаги ҳужжатларни имзолайди:

(а) ДХШ тўғрисида Битим;

(б) Лойиҳага оид бошқа битим ва шартномалар.

3.1.8. Давлат шериги қўшимча равишда Талабгорга унинг сўровига асосан қуйидаги маълумотларни тақдим этиши мумкин:

а. тиббиёт марказини ташкил этиш тартиби тўғрисида умумий маълумот;

б. ДХШ лойиҳаси амалга ошириладиган объект тўғрисида маълумот;

в. Тендер таклифларини тайёрлашда Талабгорларга ёрдам бериш мақсадида тақдим этиладиган ДХШ лойиҳаси билан боғлиқ бошқа ҳисоботлар, ҳужжатлар ва маълумотлар.

3.1.9. Бундай қўшимча маълумотлар фақат маълумот олиш учун тақдим этилади ва Талабгорлар ушбу ҳисоботларни ўзлари синчковлик билан текширишлари, такомиллаштириши ёки баҳолашлари шарти билан тақдим этилади ва бирор бир Талабгор ҳар қандай ҳолатда бундай қўшимча маълумотларга таяниб қолиши мумкин эмас. Давлат шериги ушбу ҳисоботларга нисбатан Талабгор олдида ҳеч қандай жавобгарликни ўз зиммасига олмайди, Давлат шеригининг ДХШ тўғрисидаги Битимда аниқ кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

3.1.10. Талабгорлар ДХШ лойиҳасини батафсил ўрганиб чиқишлари ва ўзларининг маблағлари ҳисобига Тендер таклифларини тақдим этишлари учун зарур бўлиши мумкин бўлган тадқиқотлар олиб боришлари шарт. Давлат шериги ушбу ТТСда келтирилган

маълумотлар асосида Талабгорлар томонидан қабул қилинган ҳар қандай нотўғри қарор учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

3.1.11. Талабгорлар мазкур ТТСда белгиланган талабларга мувофиқ, Тендер таклифининг қафолатини таъминлашлари лозим.

3.2. ДХШ лойиҳасининг умумий тавсифи

ДХШ лойиҳасининг номи	Сирдарё вилояти перинатал марказининг бўш турган собиқ гинекология бўлими биноси ўрнида тиббиёт марказини ташкил этиш.
Давлат шериги	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Давлат шеригининг манзили	Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, А. Навоий кўчаси, 4-уй
Давлат шеригининг масъул ходими – Исми, Фамилияси, телефон рақами	Мингбаев Зоиржон Рахимович +998-71-241-86-13 +998-71-241-99-42
Тендер таклифини юбориш учун манзил	Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, А. Навоий кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
ДХШ лойиҳасининг қисқача тавсифи	Сирдарё вилояти перинатал марказининг бўш турган собиқ гинекология бўлими биносини реконструкция қилиш, жиҳозлаш, молиялаштириш ва эксплуатация қилиш (тиббий ва тиббий бўлмаган хизматлар), унинг тўловлари товарларни (ишларни, хизматларни) истеъмол қилувчилардан ДХШ тўғрисидаги Битимга мувофиқ Хусусий шерик томонидан йиғиб олинади.
ДХШ лойиҳасининг мақсади ва кутилаётган натижалари	Ташхис қўйиш, даволаниш ва саломатлигини тиклашга муҳтож беморларнинг соғлиғини яхшилаш мақсадида даволаш стандартларига мувофиқ сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш
ДХШ тўғрисидаги Битимининг предмети	Хусусий шерик томонидан Сирдарё вилояти перинатал марказига қарашли умумий ер майдони 0,4 га (шундан қурилиш ости майдони 1 313,81 кв.метр) бўлган собиқ гинекология бўлими биноси негизда Битим шартларида белгиланган талаб ва тартибларда тиббиёт марказини ташкил этиш; аҳолига тиббий ва нотиббий хизматлар кўрсатиш; Битимда белгиланган шартларга мувофиқ, Хусусий шерик битим муддати тугагандан кейин Битим объектини тўлалигича Давлат шеригига қайтариши шарт.

ДХШ лойиҳаси доирасида кафолатланган беморлар сони	Мазкур ДХШ лойиҳасида кафолатланган беморлар назарда тутилмаган.
Амалга ошириладиган тадбирлар кўлами	ДХШ тўғрисидаги Битимда назарда тутилган муддатда реконструкция қилиш, жиҳозлаш, молиялаштириш ва фаолиятни йўлга қўйиш.
ДХШ тўғрисидаги Битимнинг амал қилиш муддати	ДХШ тўғрисидаги Битим имзоланган кундан бошлаб 10 (ўн) йил.
Лицензия ва рухсатномалар	ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун Хусусий шерик ва унинг ходимлари ДХШ тўғрисидаги Битимда назарда тутилган ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида талаб қилинган лицензиялар (сертификатлар, шу жумладан, аттестация, аккредитация ёки рўйхатдан ўтиш гувоҳномалари) ва бошқа рухсатномаларга эга бўлишлари ёки олишлари талаб этилади.
ДХШ лойиҳаси амалга ошириладиган ҳудуд	Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Шифокорлар кўчаси, 25 уй.
Реконструкция ва эксплуатация қилиниши талаб этиладиган объектлар сони	Сирдарё вилояти перинатал марказига қарашли умумий ер майдони 0,4 га, шундан қурилиш ости майдони 1 313,81 кв.метр бўлган собиқ гинекология бўлими биносида жойлашган шифохона биноси 1 та, қозонхона биноси 3 та, насос биноси, омборхона биноси 3 та, даволаш бинолари, қоровулхона биноси
Тиббиёт марказини реконструкция қилиш, жиҳозлаш, молиялаштириш, фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш муддатлари	Тиббиёт марказини ишга тушириш ДХШ тўғрисидаги Битим кучга кирган кундан бошлаб (Режалаштирилган фойдаланишга топшириш санаси) <u>12 (ўн икки)</u> ойдан кечиктирмай амалга оширилиши лозим. Фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш: ДХШ тўғрисидаги Битим муддати давомида амалга оширилади.
ДХШ лойиҳасини молиялаштириш	Хусусий шерикнинг маблағлари ҳисобидан (ўз маблағлари ёки жалб қилинадиган маблағлар).
Кўрсатиладиган тиббий хизматлар учун тўловларни амалга ошириш	ДХШ лойиҳасида фойдаланганлик учун тўлов, яъни товарларни (ишларни, хизматларни) истеъмол қилувчилардан ДХШ тўғрисидаги Битимга мувофиқ ДХШ лойиҳасини амалга ошириш доирасида Хусусий шерик томонидан йиғиб олинadиган тўловлар назарда тутилади. Қўшимча хизматлар ДХШ тўғрисидаги Битимда белгиланган шартларда тақдим этилади.

Бино ва иншоотлар	Сирдарё вилояти перинатал марказининг собиқ гинекология бўлими биносида шифохона биноси 1 та, қозонхона биноси 3 та, насос биноси, омборхона биноси 3 та, даволаш бинолари, қоровулхона биноси.
ДХШ объектининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари	Сирдарё вилояти перинатал марказининг собиқ гинекология бўлими биносининг баланс қиймати 116 594 452 сўм бўлган, 4 000 кв.метр ер майдонида 1960 йилда қурилган ва бугунги кунда таъмирталаб ҳолатдаги бино ва иншоотлар

3.2.1. Мазкур ТТС да келтирилган баёнотлар ва тушунтиришлар Талабгорларнинг ушбу ТТС мазмунини тўғри тушунишини таъминлашга қаратилган бўлиб, улар Хусусий шерикнинг ДХШ тўғрисидаги Битимда кўрсатилган хизматлар доирасини чекловчи тушунча сифатида талқин қилинмаслиги ёки тушунилмаслиги лозим.

3.3. Таклиф этилаётган молиявий механизмларнинг баёни

Тиббий хизматлар учун тўловлар ДХШ тўғрисидаги Битимда тартибга солинган ҳолда, товарларни (ишларни, хизматларни) истеъмол қилувчилардан ДХШ тўғрисидаги Битимга мувофиқ ДХШ лойиҳасини амалга ошириш доирасида Хусусий шерик томонидан йиғиб олинadиган тўловларга асосланади. Тўловлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси (сўм)да амалга оширилади.

ДХШ лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш билан боғлиқ ҳар қандай харажатлар Хусусий шерик томонидан ўз маблағлари ёки жалб қилинган маблағлар ҳисобидан ДХШ тўғрисидаги Битимда белгиланган тартибда, ҳажмда ва шартларда молиялаштирилади.

ДХШ лойиҳаси доирасида ДХШ объектидан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш даврида Давлат шеригининг Хусусий шерикка кафолатланган тўловларни амалга ошириши назарда тутилмайди.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган хусусий тиббиёт ташкилотлари учун қўлланиладиган имтиёзлар ДХШ лойиҳасига нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

3.4. Тендер

Тендер бир босқичдан, яъни ғолибни танлаш босқичидан иборат бўлади. Ушбу босқич ТТСни Талабгорларга юбориш, Талабгорларнинг малакаси, Тендер таклифлари тўғрисидаги ҳужжатларни тўплаш ва баҳолаш, Тендер ғолибини танлаш ва ДХШ тўғрисидаги Битимни тузишдан иборат бўлади. Малакага оид қўйиладиган талаблар, Техник ва Молиявий таклифлар, баҳолаш жараёни, мезонлари, Тендер ғолибини танлаш муддати ва ДХШ тўғрисидаги Битимни тузиш тартиби мазкур ТТСда белгиланган.

3.5. Талабгорга қўйиладиган талаблар ва хавф-хатарларнинг тақсимланиши

3.5.1. Қуйидаги ҳар қандай шахслардан бири Тендерда иштирок этиш учун ариза топшириши мумкин:

(а) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтган ва фаолият кўрсатаётган юридик шахс;

(б) Хорижий давлат қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтган юридик шахс.

3.5.2. Ҳар қандай Талабгор Тендерда қатнашиш ҳамда унда бевосита ёки билвосита иштирок этиш учун биттадан ортиқ ариза бериши мумкин эмас.

3.5.3. Ҳар бир Талабгор Тендерда иштирок этиш учун аризаларни тайёрлаш ва топшириш билан боғлиқ барча харажатлар, шу жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлигини қизиқтириши мумкин бўлган ҳар қандай саволларга жавоблар ва тушунтиришларни тайёрлаш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай харажатларни ўз ҳисобидан амалга оширади.

3.5.4. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги Битим тарафларининг ўз зиммасига оладиган хавф-хатарлари куйидагилар:

Хавф ёки хатарлар турлари	Давлат шериги	Умумий	Хусусий шерик
Лойиҳага тегишли хавф хатарлар			•
Дизайн ва технологияларнинг эскириш хавфи			•
Яширин нуқсон хавфи			•
Ер сотиб олиш ва кўчириш билан боғлиқ бўлган хатарлар	•		
Молиявий хатарлар			•
Қурилиш билан боғлиқ бўлган хатар (аниқ бўлмаган)	•		
Қурилиш билан боғлиқ бўлган хатар (аниқ бўлган)			•
Ишга тушириш билан боғлиқ бўлган хатарлар		•	
Лойиҳа шартномаси тузилганидан кейин лойиҳага киритиладиган ўзгаришлар (давлат шериги тарафидан)	•		
Лойиҳанинг суғуртасига оид хатарлар			•
Солиқ билан боғлиқ хатарлар		•	
Тарифларнинг ўзгаришига боғлиқ бўлган хатарлар		•	
Лойиҳа шартномаси тузилганидан кейин лойиҳага киритиладиган ўзгаришлар (хусусий шерик тарафидан)			•
Қонунчиликдаги ўзгаришларнинг лойиҳага салбий таъсири хатарлари	•		
Лицензия, рухсатномалар кечикиши ёки берилмаслиги хатарлари	•		

Хусусий шерикка келишилган тўловларнинг кечиктирилиши			
Сиёсий бекарорлик хатарлари	•		
Таъмирлаш ва реконструкцияга оид хатарлар			•
Мулк конфискацияси	•		
Операцион хатарлар			•
Экологик/ижтимоий хатар (эксплуатация билан боғлиқ)			•
Оператив фаолият билан боғлиқ бўлган хатарлар			•
Талаб билан боғлиқ бўлган хатарлар		•	

4. ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН АРИЗА

4.1. Кириш

4.1.1. Тендерда иштирок этиш учун ҳар бир ариза, шунингдек унга тегишли барча ёзишмалар ва ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилларида **1-Илова**да кўрсатилган миқдорда тақдим этилиши керак. Бошқа тилларда тақдим этилган ҳар қандай ҳужжатлар эътиборга олинмайди.

4.1.2. Тендерда иштирок этиш учун ҳар бир аризада қуйидагиларни тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиши керак:

- (а) I қисм – Малакага оид талаблар;
- (б) II қисм - Техник таклиф;
- (в) III қисм – Молиявий таклиф.

4.2. I қисм – Малакага оид талаблар

4.2.1. Тендерда иштирок этиш учун малакани тасдиқлаш тўғрисидаги ҳар бир аризада қуйидагиларни тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиши керак:

А. Ҳуқуқий малака – ТТСнинг 4.2.2-бандига асосан Талабгорнинг барча Ҳуқуқий мезонларга жавоб беришини тасдиқлаш;

Б. Техник малака - ТТСнинг 4.5-бандига асосан Талабгорнинг барча Техник мезонларга жавоб беришини тасдиқлаш;

В. Молиявий малака - ТТСнинг 4.6-бандига асосан Талабгорнинг тегишли Молиявий мезонларга жавоб беришини тасдиқлаш.

4.2.2. Ҳуқуқий малака. Талабгор қуйидаги ҳуқуқий мезонларга жавоб бериши керак (**Ҳуқуқий мезон**):

- (а) юридик шахс мақомига эга бўлиши;
- (б) тугатиш ёки банкротлик ҳолатида бўлмасликлари ва мавжуд қарздорликни муддати тугаши биланоқ қопланишига етарли асосларга эга бўлса;

(в) куйидагилар ўртасида ўзаро муносабатлардан келиб чиқадиган манфаатлар ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви йўқлиги:

(i) Талабгор ёки унинг директори, ходимлари, консультантлари ёки маслаҳатчилари;

(ii) Тендернинг ёки Тендер комиссияси аъзоларининг холислигига нисбатан ишончсизлигига олиб келадиган, шу жумладан Тендер комиссияси ёки уларнинг тегишли мансабдор шахслари ёки ходимлари билан манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслиги;

(г) Мазкур Тендердан олдин ўтган бир йил ичида бирор бир суд ёки бошқа тегишли органлар томонидан чиқарилган қарорлар бўйича мажбуриятлари ва солиқ тўловлари юзасидан мажбуриятлари йўқлиги. (амалдаги бухгалтерия қоидаларига мувофиқ, ҳар бир бундай мажбурият учун тегишли белгиланган бухгалтерия захиралари ишлаб чиқилганлиги бундан мустасно)

(д) Бошқа Талабгорнинг Аффилиланган шахси бўлмаслиги;

(е) Жиноий ҳаракатлар учун тергов қилинмаётганлиги;

(ж) Ўзбекистон Республикасининг давлат санкцияларига зид бўлган ҳар қандай фаолиятга аралашмаганлиги.

4.3. Ҳуқуқий мезонларга мувофиқлиги

Ҳуқуқий мезонларга мувофиқлигини текшириш учун Талабгорлар куйидагиларни тақдим этишлари шарт:

а) Талабгорнинг камида битта Ваколатли вакили томонидан имзоланган **2-Илова**да келтирилган ариза (Тендерда иштирок этиш учун ариза);

б) Талабгорнинг камида битта Ваколатли вакили томонидан имзоланган **3-Илова**да келтирилган шаклдаги ариза (Малакани тасдиқлашга оид ариза);

в) Талабгорнинг таъсис ҳужжатларининг нусхалари - низом, таъсис шартномаси ёки бошқа тегишли ҳужжат;

г) Мазкур ТТСнинг **4-Иловаси**да (Ишончнома) кўрсатилган шаклда Талабгорнинг Ваколатли вакили номига расмийлаштирилган ишончнома;

д) Мазкур ТТСнинг **5-Иловаси**да келтирилган минимал талаблар (Техник таклифлар учун минимал талаблар);

е) Тендер таклифининг молиявий жиҳатларини қамраб олувчи ва **6-Илова**да кўрсатилган шаклда расмийлаштирилган Молиявий таклифлар;

ж) Мазкур ТТСнинг 6.11-банди талаблари асосида **7-Илова**га мувофиқ шаклда расмийлаштирилган Кафолат таъминоти .

4.4. Ҳуқуқий мезонлар талабларига мувофиқлиги

Талабгор ҳуқуқий мезон талабларига жавоб бермаса ёки 4.2.2-бандда кўрсатилган талабларга жавоб бермаса, бу Талабгорнинг Тендерда иштирок этишдан маҳрум қилинишига (дисквалификация) олиб келади.

4.5. Техник мувофиқлик

Талабгор куйидаги мезонларга жавоб беришлари керак (**Техник мезонлар**):

хусусий тиббий муассаса сифатида фаолият кўрсатиш тажрибасига эга бўлиши ёки камида 5 (беш) йиллик тажрибага эга бўлган хусусий тиббий ташкилот билан тузилган кафиллик шартномасига эга бўлиши.

4.6. Молиявий мувофиқлик

4.6.1. Талабгорлар қуйидаги мезонларга жавоб бериши керак (**Молиявий мезонлар**):

Талабгорлар ДХШ лойиҳа концепциясида кўрсатилган капитал ва операцион харажатлар йиғиндисидан иборат умумий харажатларнинг камида 1% миқдорида молиявий ресурсларга эга бўлишлари керак.

4.6.2. Талабгорлар молиявий малака талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш учун талаб қилинадиган маблағга эга эканлиги тўғрисида банкнинг маълумотномасини тақдим этишлари лозим.

4.7. II қисм - Техник таклиф

Талабгорлар **5-Иловада** кўрсатилган Минимал талаблар қопланиши бўйича Техник таклиф тақдим этишлари лозим (Техник таклифлар учун минимал талаблар).

4.8. III қисм - Молиявий таклиф

Талабгорлар **6-Иловада** кўрсатилган молиявий жиҳатларни ўз ичига олган Молиявий таклифни тақдим этишлари шарт;

Тендерда иштирок этиш учун аризага қўшимча тарзда тақдим этилган малакани тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжатлар Тендер комиссияси томонидан қабул қилиниши учун нотариал тартибда тасдиқлаш, қонунийлаштириш (апостил) талаб қилинмайди.

5. ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН АРИЗАЛАРНИ ТОПШИРИШ

5.1. Тушунтиришлар

Тендер таклифларини қабул қилишнинг охири муддатидан олдин, Талабгорлар исталган вақтда мазкур ТТСнинг хоҳлаган қисми бўйича тушунтиришни **1-Иловада** кўрсатилган Соғлиқни сақлаш вазирлигининг электрон почта манзилига ёзма равишда хабар бериши мумкин. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу сўровларнинг ҳар бирига ёки барчасига жавоб берадиган ҳолатларда (Соғлиқни сақлаш вазирлиги бундай сўровларга жавоб беришга мажбур эмаслигини ҳисобга олган ҳолда), барча мурожаат этувчиларга битта ёки бир нечта хабар билан асл сўровларнинг манбасини кўрсатмасдан жавоб юборади.

5.2. Тендерда қатнашиш учун аризаларни топшириш муддати

Талабгорлар Тендерда иштирок этиш учун аризаларни ТТС эълон қилинган кундан бошлаб **2021 йил 9 август соат 17:00 гача** тақдим этишлари мумкин (“**Тендерда қатнашиш учун аризаларни топширишнинг охири муддати**”).

Шу билан бирга, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тендер комиссияси қарорига асосан Тендерда иштирок этиш учун аризаларнинг топшириш охири муддатини узайтириш

хукукини ўзида сақлаб қолади. Тендерда қатнашиш учун аризаларни топшириш муддатига ўзгартиришлар киритилган тақдирда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўз веб-сайтида бу ҳақда Талабгорларни тегишли тартибда хабардор қилади.

5.3. Тендерда иштирок этиш учун ариза ва Тендер таклифларини шакллантириш, имзолаш ва топшириш

5.3.1. Ҳар бир Талабгор ТТС нинг **1-Илова**сида кўрсатилган ҳужжатларни ўз ичига олган Тендер таклифини тайёрлаши ва топшириши лозим.

5.3.2. Тендерда иштирок этиш учун Талабгор қуйидагиларни тақдим этиши шарт:

5.3.2.1. Талабгорнинг энг камида битта Ваколатли вакили имзоси билан **2-Илова**да келтирилган Тендерда қатнашиш учун ариза бўлиши;

5.3.2.2. **3-Илова**да келтирилган шаклда Малакани тасдиқлаш тўғрисида ариза;

5.3.2.3. **4-Илова**да келтирилган шаклдаги битта ишончнома;

5.3.2.4. **5-Илова**да келтирилган шакл бўйича Техник таклифлар учун минимал талаблар;

5.3.2.5. Тендер таклифининг молиявий жиҳатларини қамраб олувчи ва **6-Илова**да кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олган Молиявий таклифлар;

5.3.2.6. **7-Илова**га мувофиқ шаклда Кафолат таъминоти.

5.3.3. Тендерда иштирок этиш учун ариза ёзма равишда, унга илова қилинган барча ҳужжатлар тўлиқ ва аниқ бўлиши керак.

5.3.4. Тендерда иштирок этиш учун ёзма шаклдаги ариза, унга илова қилинган ҳужжатлар муҳрланган конвертда шахсан, курьерлик хизмати ёки почта орқали душанбадан жумага қадар Тошкент вақти билан 9:00 дан 18:00 гача Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қуйидаги манзили бўйича етказиб бериши лозим:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 4-уй, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги биноси.

5.3.5. Тендерда иштирок этиш учун ариза ва тендер таклифларини тайёрлаш, топшириш ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар учун сарф қилинган харажатлар Талабгор томонидан қопланади. Тендер натижаси қандай бўлишдан қатъи назар Давлат шериги ёки Тендер комиссияси Талабгор томонидан сарф қилинган харажатларни қоплаш мажбуриятини олмайди.

5.3.6. Тендерда иштирок этиш учун ариза топширишнинг охириги муддати туганидан кейин Тендерда иштирок этиш ҳақидаги тақдим этилган ҳар қандай ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар қабул қилинмайди.

5.4. Тендер таклифларини юбориш.

5.4.1. Ваколатли вакил Тендерда иштирок этиш учун ариза шакли ва Малакани тасдиқлаш тўғрисида ариза шаклини имзолайди, Техник таклиф ҳамда Молиявий таклифнинг аслини ҳамда ушбу асл ҳужжатнинг ҳар бир саҳифасини Талабгор номидан имзолайди.

5.4.2. Ҳужжатлар босма шаклда бўлиши ва унда ўзгартиришлар, камчиликлар ёки қўшимчалар бўлмаслиги керак. Имзо ва 5.4.1-бандда кўрсатилган бош ҳарфлардан ташқари ҳар қандай.

5.4.3. Талабгорнинг муҳр билан тасдиқловчи ҳужжатлар:

(а) Тендер таклифи билан хат, Кафолат таъминоти, Ишончнома ёки Ваколатли вакилнинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат (Илова қилинадиган ҳужжатлар);

(б) Малакага оид талабларнинг асли;

(в) Техник таклифнинг асли;

(г) Молиявий таклифнинг

Юқорида кўрсатилган ҳужжатларнинг ҳар бирини алоҳида тўртта конвертларга жойлаган ҳолда ҳар бирини мос равишда “Илова қилинадиган ҳужжатлар”, “Малакага оид талаблар”, “Техник таклиф”, “Молиявий таклиф” деб номлайди.

Тендер таклифларини топширишнинг охириги муддати тугагандан кейин Талабгор томонидан топширилган ариза ва уларга илова қилинган ҳужжатлар Талабгорга очилмаган ҳолда қайтарилишини таъминлаш мақсадида, Талабгор томонидан юборилган конверт устида унинг номи ва манзили кўрсатилган бўлиши шарт.

5.4.4. Конвертлар катта ташки конвертга жойлаштирилиб муҳрланган бўлиши ва унга куйидаги имзо қўйилиши керак (қўшимча матн, маълумот ёки белгисиз):

**“ДИҚҚАТ: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига
ДХШ ЛОЙИХАСИ БЎЙИЧА ТАКЛИФ – СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ПЕРИНАТАЛ
МАРКАЗИНИНГ СОБИҚ ГИНЕКОЛОГИЯ БЎЛИМИ БИНОСИ ЎРНИДА
ТИББИЁТ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

[Таклифларни беришнинг охириги муддати]ГА ҚАДАР ОЧИЛМАСИН” ва унда талабгорнинг шахси ва манзили аниқ кўрсатилиши керак.

6. ТАЛАБГОРЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА

А. Асосий қисм

6.1. Тендернинг умумий шартлари

6.1.1. Талабгор ДХШ лойиҳаси бўйича Тендерда иштирок этиш учун фақат битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлиб, у бошқа Тендер таклифини тақдим этиш ҳуқуқига эга эмас.

6.1.2. Мазкур ТТСда назарда тутилган ҳар қандай талаблардан қатъи назар, тарафлар ўртасида тузилган ДХШ тўғрисидаги Битимнинг шартлари ва қоидалари устунликка эга бўлади. Шунингдек, мазкур ТТС бўйича Талабгор зиммасига юклатилган ҳар қандай шарт ёки мажбуриятлар ДХШ тўғрисидаги Битим тузилганидан кейин ҳам ўз кучини йўқотмайди.

6.1.3. ТТС бошқа шахсларга ўтказилмайди.

6.1.4. Тендер Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тартибга солинади.

6.2. Тендер таклифи

6.2.1. Ҳар бир Талабгор ўзининг Техник таклифини барча жиҳатлар бўйича **5-Илова** талабларига жавоб беришини ва Талабгор томонидан тақдим этилган Тендер таклифининг қиймати ва бошқа молиявий жиҳатлари тўғрисида ҳеч қандай маълумот ошкор этилмаслигини таъминлайди. Техник таклифда Тендер қиймати ёки бошқа молиявий жиҳатлари тўғрисидаги маълумот мавжуд ҳар қандай Тендер таклифи рад этилади ва Талабгор Тендерда иштирок этишдан четлаштирилади (дисквалификация қилинади).

6.2.2. Тендер комиссияси ёки Давлат шериги Талабгор томонидан тақдим этилган ҳар қандай ҳужжатларни, маълумотларни, аризаларни текшириш ҳуқуқига эга бўлиб, зарурият туғилганда Талабгордан Тендер таклифига оид қўшимча маълумотларни расмий равишда аниқлик киритишни талаб қилиши мумкин.

6.2.3. Тендер таклифлари солинган конвертлар Тендерда иштирок этиш учун аризаларни топширишнинг охириги муддати тугагандан сўнг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ белгиланган муддатда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги жойлашган Тошкент шаҳар, А. Навоий кўчаси, 4-уйда жойлашган бинода очилади.

6.3. Саволлар, тушунтиришлар ва ўзгаришлар

6.3.1. Тендер таклифларини қабул қилишнинг охириги муддатидан олдин, Талабгор исталган вақтда мазкур ТТСнинг хоҳлаган қисми бўйича тушунтиришни сўраб Давлат шеригига ёзма равишда мурожаат этиши мумкин. Давлат шериги бундай сўровларга Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ёзма равишда жавоб юборади. Агар мазмун жиҳатдан ўхшаш бир нечта сўровлар бўлса, Давлат шериги бундай сўровларга битта умумий жавоб бериши мумкин.

6.3.2. Талабгор белгиланган муддат ичида ДХШ тўғрисидаги Битимга таклиф қилаётган ўзгартириш / қўшимчаларни тўғридан-тўғри ДХШ тўғрисидаги Битимнинг матнига ўзгаришларни кузатиш режимида (Word форматида) киритиш орқали юбориш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, Талабгор ДХШ тўғрисидаги Битимга ҳар қандай таклиф қилинаётган ўзгартиришлар ва / ёки тузатишларни асослаб берган ҳолда электрон почта орқали Давлат шеригининг масъул вакилига юбориши керак.

6.3.3. Давлат шериги Тендер ҳужжатларини топшириш муддати тугагандан сўнг Талабгор томонидан ДХШ тўғрисидаги Битимга таклиф қилинган ўзгаришларни кўриб чиқмаслик ва инобатга олмаслик ҳуқуқига эга.

6.3.4. Талабгорнинг Тендер таклифига оид тушунтиришларни талаб қилиш ҳуқуқи мазкур Тендер таклифига нисбатан эътироз билдириш ҳуқуқи деб баҳоланмаслиги, шунингдек, Талабгорнинг ДХШ тўғрисидаги Битимга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинган тақдирда ҳам, Тендер таклифини ўзгача шаклда тақдим этиш ҳуқуқи сифатида қаралмаслиги керак.

6.3.5. Давлат шериги исталган вақтда ва ҳар қандай сабабга кўра расмий равишда мазкур ТТС ва ДХШ тўғрисидаги Битимга (шу жумладан, унинг иловаларига) ўзгартириш киритиши мумкин. ТТС ва ДХШ тўғрисидаги Битимга бундай ўзгартиришлар киритилган тақдирда ДХШ бўйича Давлат шериги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ, таклифларни қабул қилишнинг сўнги муддатини расман кечиктириб, таклифларни қабул қилишнинг янги муддати тўғрисида хабар бериш ҳуқуқига эгадир.

6.3.6. Зарурият туғилганда, ТТС ва ДХШ тўғрисидаги Битимга киритилган ўзгартиришлар Тендер таклифларини қабул қилиш муддати тугашидан камида ўттиз (30) календарь кун олдин барча Талабгорларга расмий равишда тақдим этилади ва улар учун мажбурий тусга эга бўлади. Ҳар қандай бошқа алоқа воситаси томонидан юборилган ҳар қандай хабар, шу жумладан саволларга жавоблар ёки сўровларга юборилган тушунтиришлар ТТС ёки ДХШ тўғрисидаги Битимни ўзгартириш деб тушунилмаслиги лозим.

6.4. Объектга ташриф буюриш ва маълумотларни текшириш

6.4.1. Объект тўғрисидаги ҳар қандай ахборот ва маълумотлар, унинг муҳим хусусиятлари ва / ёки ДХШ лойиҳасига мувофиқлиги Давлат шериги томонидан виждонан, лекин Талабгорни бу маълумотларга ишонтиришга уринмасдан тақдим этилади. Давлат шериги бундай ахборот ёки маълумотларда мавжуд бўлган ҳар қандай камчилик, нуқсон ёки хато учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

6.4.2. Давлат шериги ҳар бир Талабгорга Тендер таклифини беришдан олдин, объектни кўздан кечириш, мазкур объект ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун муҳим хусусиятга эга эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун объектга ташриф буюришни тавсия қилади.

6.4.3. Зарурият туғилганда, Давлат шериги Тендер ҳужжатини тақдим этиш муддати тугагунга қадар, объектга ташриф буюришни ташкиллаштиради.

6.4.4. Талабгор Тендер таклифини тақдим этишда:

- а) Тендер ҳужжатларини тўлиқ ва пухта экспертизадан ўтказган;
- б) Давлат шеригидан сўралган барча зарур маълумотларни олган;
- в) тақдим этилган Тендер ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларда номувофиқлик, хато ёки камчиликларни хавфини ҳисобга олган ва кўриб чиққан;
- г) Талабгор асослантирилган Тендер таклифини топширишда, ТТС ва ДХШ тўғрисидаги Битим асосида ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун маълумот ва масалалар, шунингдек мазкур ТТСнинг 3.1.8-бандида қайд этилган маълумотлар ва унга илова қилинган ҳужжатлар юзасидан ўз мажбуриятларини бажарганлигига ишонч ҳосил қилган бўлиши шарт.
- д) Тендер ҳужжатларида қайд этилган маълумотларнинг номувофиқлиги, тўлиқ эмаслиги ва ноаниқлиги ёки бирор бир масалаларни инобатга олмаганлиги учун Давлат шеригига товон пули (компенсация), етказилган зарарни қоплаш, ўзининг мажбуриятларини бажариш муддатларини узайтириш, бой берилган фойда ва бошқаларни ундиришни талаб қилиш ёки ДХШ тўғрисидаги Битимни бекор қилиш учун асос бўлиб ҳисобланмаслигини инобатга олади ва эътироз билдирмайди.
- е) ДХШ тўғрисидаги Битим ва ТТСда назарда тутилган шартларни бажариш мажбуриятларини ўз зиммасига олишга розилик билдиради.

6.4.5. Давлат шериги Тендер ҳужжатлари ва ДХШ тўғрисидаги Битим тузилишида Хусусий шерик томонидан ҳужжатларни расмийлаштирилишида йўл қўйилган хато ва камчиликлар, шунингдек Давлат шериги ва Тендер комиссияси томонидан тақдим этилган ҳужжат ва маълумотларда йўл қўйилган хато ва камчиликлар юзасидан жавогар бўлмайди.

6.5. Ноқонуний хатти-ҳаракатлар

6.5.1. Талабгор томонидан ишончсиз ва чалғитувчи маълумотларни тақдим қилинган тақдирда, ишончсиз ва чалғитувчи маълумотлар эканлиги тасдиқланса, Тендер комиссиясининг қарорига асосан у Тендердан четлаштирилади. Агар ДХШ тўғрисидаги Битим имзолангандан кейин ишончсиз ва чалғитувчи маълумотлар аниқланган тақдирда Давлат шериги ДХШ тўғрисидаги Битимнинг шартларига мувофиқ уни бекор қилади.

6.5.2. Давлат шериги Талабгор томонидан тақдим этилган ҳар қандай Тендер таклифини қуйидаги ҳолатларда рад этади:

а. Тендер жараёнида унинг фаолияти ёки қарорига таъсир этиш мақсадида Давлат шериги ходими ёхуд собиқ ходимига пора ёки бошқа тарзда совға берган ҳамда ушбу ҳаракатлар тасдиқланган тақдирда;

б. Тендер жараёнига нисбатан ҳал этилмаган Манфаатлар зиддияти ёки низолар мавжуд бўлганда.

Б. Тендер таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш

6.6. Фойдаланиладиган тил

6.6.1. Тендер таклифи ва унга қўшилган барча ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилларида тўлдирилиши керак.

6.7. Рўйхат (Реестр)дан ўтиш

6.7.1. Тақдим этилган ҳар бир таклиф Давлат шериги томонидан қабул қилинган кунда рўйхатдан ўтказилади.

6.7.2. Тендер таклифларини қабул қилиш муддати тугагунга қадар топширилган Тендер таклифларини алмаштириш, ўзгартириш ёки қайтариб олиш Рўйхат (Реестр)дан ўтказилади.

6.7.3. Тендер таклифи алмаштирилган ёки ўзгартирилган тақдирда, Тендер таклифи қайта тақдим этилган сана – Рўйхат (Реестр)дан ўтган сана ҳисобланади. Тендер таклифини алмаштирган Талабгор Тендер таклифини ўзгартирганлиги ёки алмаштирилганлиги юзасидан Рўйхат (Реестр)дан ўтганлиги тўғрисида кўчирма (выписка) талаб қилиши мумкин.

6.8. Тендер таклифларини ўзгартириш / алмаштириш / , қайтариб олиш

6.8.1. Талабгор Тендер таклифларини ўзгартириши, алмаштириши ёки қайтариб олиши ҳуқуқига эга бўлиб, бунда Тендер таклифларини тақдим этиш муддатлари ўтмаган бўлиши ҳамда бу ҳақда Давлат шериги ёзма равишда огоҳлантирилган бўлиши шарт. Тендер таклифларини тақдим этиш муддати тугаганидан кейин Тендер таклифи ўзгартирилишига, алмаштирилишига ёки Талабгор томонидан қайтариб олинишига йўл қўйилмайди.

6.8.2. Ўзгартириш ёки алмаштириш тўғрисида хабарнома 5.3-бандга мувофиқ тайёрланиши, муҳрланиши, имзоланиши ва конвертларга “ЎЗГАРТИРИШ” белгиси қўйилган ҳолда етказилиши керак.

6.8.3. Талабгор ўз таклифини қайтариб олишни режалаштирган тақдирда, у Тендер таклифини тақдим этиш манзилига Ваколатли вакил томонидан имзоланган ҳолда ўз таклифини қайтариб олиши тўғрисида ёзма хабар юбориши керак. Бундай ҳолда, тегишли Тендер таклифи кўриб чиқилмайди ва ошкор этилмайди.

6.9. Тендер таклифларининг амал қилиш муддати

6.9.1. Тендер таклифлари ТТСни қабул қилиш муддати тугаганидан кейин 180 (бир юз саксон) кун давомида амал қилади. Тендер таклифларининг амал қилиш муддати тегишли иштирокчилар ва Давлат шеригининг ўзаро келишуви асосида узайтирилиши мумкин.

6.10. Тақиқланган ҳаракатлар

6.10.1. Талабгор Тендер ёки ДХШ лойиҳаси билан боғлиқ ҳар қандай қонунбузарликларга йўл қўймаслиги лозим, жумладан ДХШ тўғрисидаги Битим бўйича мажбуриятларнинг кучга кириши ёки бажарилиши, шунингдек ДХШ лойиҳасини амалга ошириш, ташкил этиш ва бошқариш бўйича ҳам.

6.10.2. Шу муносабат билан Давлат шериги ва / ёки Тендер комиссияси:

а) агар Талабгор, унинг ходими ёки агентлари, маслаҳатчилари, ижрочилари, етказиб берувчилари ва / ёки уларнинг ходимлари Тендер жараёнида Коррупция, Фирибгарлик, ноқонуний Тил бириктириш ёки бирор бир кўринишда мажбурлашда бевосита ёки билвосита иштирок этган бўлса, ва ушбу ҳаракатлар тасдиқланган тақдирда Тендер таклифни рад этади;

б) амалда бўлган санкция сиёсати ва тартибларига асосланган ҳолда ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан руҳсат этилган меъёردа, Талабгорга нисбатан номаълум ёки маълум муддатга санкция қўллаши мумкин. Шу билан бирга талабгорнинг (i) ДХШ тўғрисидаги Битим бўйича мукофот, молиявий ёки бошқа кўринишда фойда олиш; (ii) Хусусий шерикнинг субпудратчиси, маслаҳатчиси ёки таъминотчиси этиб тайинланиши; (iii) Давлат шеригининг ҳар қандай лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш ҳуқуқларига эга бўлмаслигини ошқора эълон қилиши мумкин.

6.11. Кафолатни таъминлаш

6.11.1. Ҳар бир Талабгор ўз Тендер таклифи таркибида қуйидаги талабларга мос келувчи, қайтариб олинмайдиган, ҳеч қандай шартсиз банк кафолати кўринишидаги Кафолатни тақдим этиши шарт:

а) маъно ва мазмуни жиҳатидан **7-Иловада** (Кафолат таъминоти) келтирилган шаклга қатъий риоя этган ҳолда, ҳеч қандай ўзгаришларсиз мос келиши;

б) ДХШ Лойиҳа концепциясида кўрсатилган капитал ва эксплуатация харажатлари йиғиндисидан иборат умумий харажатларнинг 2,5% миқдорида, 258 000 000 сўм миқдорида (Кафолат таъминоти миқдори) кафолат таъминотини тақдим этиши;

в) мустақил қарз мажбуриятларини ихтиёрий равишда таъминламаган тақдирда Давлат шериги талабномаси асосида банк томонидан ушбу қарз қисман ёки тўлиқ қопланилиши;

д) **7-Иловада** кўрсатилган амал қилиш муддатига эга бўлиш (Кафолат таъминоти);

6.11.2. Давлат шериги қўйилган Кафолат таъминоти учун фоизларни тўлашга мажбур эмас, яъни у фоизсиз бўлиши лозим.

6.11.3. Кафолат таъминотисиз тақдим этилган ҳар қандай Тендер таклифи Давлат шериги томонидан белгиланган талабларга жавоб бермайди деган асос билан рад этилади.

6.11.4. Талабгорлар Тендерда ютказган тақдирда, Кафолат таъминоти Давлат шериги томонидан Тендер ғолибининг тендер таклифини қабул қилганидан сўнг ёки Давлат шериги Тендерни бекор қилган тақдирда ҳеч қандай фоизларсиз, Талабгор томонидан расмий мурожаат бўлгандан кейин йигирма кун муддатда қайтарилади.

6.11.5. Тендер ғолибининг Кафолат таъминоти ДХШ тўғрисидаги Битимни кучга кириши учун асос бўладиган дастлабки шартларини бажарганидан сўнг фоизсиз қайтарилади.

6.11.6. Куйидагиларга асосан Давлат шериги ўз ваколат доирасидан четга чиқмаган ҳолда сарф қилинган вақт, харажат саъй-ҳаракатлари учун товон пули, етказилган моддий зарар ва жарималарни қоплаш учун Кафолат таъминоти қонунчиликда белгиланган тартибда Талабгорга қайтарилмайди:

а) агар Тендер ғолиби сифатида танланган Талабгор тақиқланган фаолиятни амалга оширса;

б) агар Тендер таклифи амал қилиш муддатида ёки Талабгор ва Давлат шериги билан келишилган ҳолда узайтирилган муддат давомида Талабгор томонидан Тендер таклифи қайтариб олинганда;

с) агар Тендер ғолиби белгиланган муддат ичида ДХШ тўғрисидаги Битимни имзоламаган бўлса ёки Хусусий шерик ДХШ тўғрисидаги Битим кучга кириши учун асос бўлган дастлабки шартларни бажармаган бўлса.

6.12. Шикоятлар

6.12.1. Тендер бўйича шикоятлар Давлат шеригига ушбу ТТСнинг 3.2-бандда кўрсатилган манзил бўйича юборилади.

6.12.2. Тендер ғолиби эълон қилинганидан кейин Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда тендер натижаларига нисбатан эътироз ёки шикоятлар билдирилиши мумкин.

7. ТАКЛИФЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА ҒОЛИБНИ ТАНЛАШ

7.1. Тендер таклифларини очиш

7.1.1. Тендер таклифларини очишда Талабгор иккитадан ортиқ бўлмаган вакили билан иштирок этиш ҳуқуқига эга.

7.1.2. Тендер комиссияси (Тендер комиссиясининг котиби вазифасини бажарувчи ёки Тендер комиссияси томонидан ваколат берилган бошқа шахс) куйидагиларга амал қилади:

а) Тендер таклифини очиш жараёнида ўз вақтида келиб тушмаган ёки Тендер таклифларини тақдим этишнинг охириг муддатидан кейин қабул қилинган ҳар қандай Тендер таклифи бўйича “ўз муддатида олинмаган” деб эътироф этади;

б) ТТСни қайтариб олиш тўғрисида хабарнома юборилган ҳар қандай таклифга нисбатан, ушбу таклиф “қайтариб олинган” деб эълон қилади;

в) бошқа барча Тендер таклифларга нисбатан, ушбу Тендер таклифлари “ўз муддатида олинган” деб эътироф этади ва уларнинг ном(лар)ини йиғилиш иштирокчиларига очиқ эълон қилади.

7.1.3. Барча таклифлар эълон қилинганидан сўнг, Тендер комиссияси:

7.1.3.1. (а) 7.1.2-бандга мувофиқ “ўз муддатида олинмаган” деб эълон қилинган Тендер таклифларига нисбатан ёки (б) 7.1.2-бандга мувофиқ “қайтариб олинган” Тендер таклифларини ички конвертларини очмаган ҳолда Талабгорга қайтариш мақсадида дарҳол Давлат шеригига юборади;

7.1.3.2. (с) 7.1.2-бандга мувофиқ “Ўз муддатида олинган” деб эълон қилинган барча Тендер таклифларига нисбатан ушбу ТТСда белгиланган қоидаларга мувофиқ очилиш ва баҳолаш тартибини ўтказиши;

7.1.4. “Ўз муддатида олинмаган” ёки “қайтариб олинган” таклифларни қайтариш Тендер натижалари эълон қилинган кундан бошлаб 3 (уч) ой ичида Давлат шериги жойлашган жойда (манзилда) амалга оширилиши керак. Тендер қатнашчилари томонидан белгиланган муддатда талаб қилинмаган таклифлар сақлаб қўйилмайди ва йўқ қилинади.

7.1.5. Тендер таклифларини баҳолаш уч босқичда амалга оширилади:

7.1.5.1. *Биринчи босқичда* Тендер комиссияси Тендер қатнашчиларининг Малакага оид талаблар конвертларини очади ҳамда уларни **3-Илова**да келтирилган талабларга мувофиқлигини баҳолайди.

7.1.5.2. *Иккинчи босқичда* Тендер комиссияси Техник таклифлар конвертларини очади ва уларни **5-Илова**да белгиланган Минимал талабларга мувофиқлигини баҳолайди.

7.1.5.3. *Учинчи босқичда* Тендер комиссияси Талабгорларга тегишли Молиявий таклифлар конвертларини очади ва уларни 7.4-бандга мувофиқ баҳолайди.

7.1.6. Тендер таклифларини баҳолаш Тендер таклифларини қабул қилиш муддати тугагандан сўнг Тендер комиссиясининг раиси томонидан белгиланган санада ўтказилади.

7.2. Тендерда иштирок этиш учун аризаларни баҳолаш

7.2.1. Тендер комиссияси Тендерда иштирок этиш учун аризани ва унга илова қилинган ҳужжатларни Талабгорлардан “Ўтди / Ўтмади” тамойили асосида ўрганиши керак.

7.2.2. Талабгор ёки унинг Ваколатли вакили Тендерда иштирок этиш учун ариза бўйича тушунтиришлар бериш учун Тендер комиссияси йиғилишига таклиф қилиниши мумкин. Талабгор ёки унинг Ваколатли вакилининг тушунтиришлари Тендер комиссияси мажлисининг баённомасига киритилади.

7.2.3. Тендер комиссияси Талабгор ва / ёки унинг таъсисчиси (ёхуд муассис) томонидан тақдим этилган ҳар қандай ҳужжатларни, маълумотларни, аризаларни текшириши мумкин ва Талабгордан ТТСда иштирок этиш учун ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан боғлиқ қўшимча маълумотларни тақдим этишини сўраши мумкин.

7.2.4. Тендерда иштирок этиш учун аризаларни баҳолаш ушбу Тендернинг **8-Иловаси**да келтирилган баҳолаш шаклини тўлдириш йўли билан ва Тендер комиссиясининг йиғилишида амалга оширилади. Бунда Тендер комиссиясининг йиғилиш вақтини унинг раиси белгилайди.

7.2.5. Тендерда иштирок этиш учун аризаларни Тендер комиссияси кўриб чиққан кундан бошлаб 10 (ўн) календарь кун ичида Талабгорларнинг номлари кўрсатилган ҳолда баённомани тўлдиради ва имзолайди. Баённомада Тендер ғолиби, шунингдек Тендерда ғолиб бўлмаган Талабгорларнинг ҳар бири бўйича қабул қилинган қарорлар асосланрилиб берилган бўлиши лозим.

7.2.6. Тендер комиссиясининг барча аъзолари томонидан баённома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда Тендер комиссияси барча Талабгорларга ТТСда иштирок этиш учун топширилган аризаларни баҳолаш натижалари тўғрисида хабарнома юборади. Бунда Тендер ғолиби бўлмаган Талабгорларга юборилган хабарномаларда аризани рад этиш учун асос бўлган сабаблари кўрсатилиши керак.

7.3. Техник таклифларни баҳолаш

7.3.1. Тендер таклифларини очиш куни ва жойида ёки Тендер таклифларини очиш баённомасида кўрсатилган бошқа кунда ва жойида Тендер комиссияси ҳар бир “ўз муддатида олинган” Техник таклифларни уларнинг шакллари ва мазмуни бўйича тўлиқлигини аниқлаш учун очади. Ушбу босқичда ҳар қандай ҳолатда Тендер комиссияси ҳеч кимнинг Молиявий таклифларини очмаслиги керак.

7.3.2. Техник таклифларни баҳолашдан олдин, Тендер комиссияси Техник таклифларнинг таркибини ва форматини ТТСда кўрсатилган талабларга мувофиқлигини баҳолаш учун қўшимча ҳужжатлар солинган конвертларни очади. Тендер таклифи барча талабларга фақат куйидаги ҳолларда жавоб беради деб ҳисобланади:

а) Илова қилинадиган ҳужжатлар, Малакага оид талаблар, Техник таклифлар ва Молиявий таклифлар билан тўлдирилган барча ички конвертлар 6.8-банд талабларига мувофиқ муҳрланган ва имзоланган;

б) **2-Илова**да кўрсатилган шаклда тўлдирилган Тендерда иштирок этиш учун аризининг мавжудлиги;

в) 6.11-бандга мувофиқ Кафолат таъминотининг мавжудлиги;

г) **4-Илова**га мувофиқ Ваколатли вакил ваколатини тасдиқловчи ишончнома ёки Ваколатли вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатнинг мавжудлиги.

7.3.3. Агар Тендер комиссияси бошқа ҳар қандай ҳужжатлар тақдим этилмаганлиги ва / ёки талабга номувофиқ шаклда тақдим этилганлигини аниқласа, Тендер комиссияси ўз хошишига кўра Тендер иштирокчисидан тушунтиришлар ва / ёки қўшимча маълумот ёки ҳужжатларни талаб қилиши ҳамда тегишли таклифни бекор қилиши ва ушбу Талабгорни четлаштирилишини (дисквалификациясини) эълон қилади.

7.3.4. Тендер комиссияси, агар у барча муҳим масалаларда унинг мувофиқлигини аниқлашни мақсадга мувофиқ ёки зарур деб ҳисобласа тушунтириш олиши, Талабгордан қўшимча маълумот ёки ҳужжатларни (агар у Талабгорга, тегишли Техник таклифга ёки бошқа ҳар қандай қўшимча ҳужжатга тегишли бўлса) талаб қилиши мумкин. Талабгор бундай сўровни олганидан сўнг Тендер комиссиясига Тендер комиссияси томонидан белгиланган муддатда зарур маълумотлар ёки ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

7.3.5. Тендер комиссияси томонидан 7.3.4-бандда назарда тутилган аниқлик киритиш ва ўзгартиришлар жараёни тугагандан сўнг (агар мавжуд бўлса), Тендер комиссияси Техник таклифларни расмий баҳолашни бошлайди. Бундай баҳолаш **8-Илова**да келтирилган тартибда амалга оширилади.

7.3.6. Техник таклифлари **8-Илова**га мувофиқ “Ўтди” деб баҳоланган Талабгорлар қатнашувчи ҳисобланади. “Ўтмади” деб тан олинган Талабгорнинг таклифлари Тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди ва уларнинг Молиявий таклифлари солинган конвертлар очилмайди.

7.4. Молиявий таклифларни очиш ва баҳолаш

7.4.1. Талабгорнинг Молиявий таклифлари Давлат шериги томонидан санаси ва жойи қайд этилган таклифнома асосида Талабгор ва иккитадан кўп бўлмаган вакили бўлиши шарт билан очилади.

7.4.2. Молиявий таклифларни очиш чоғида Тендер комиссияси талабларга жавоб берадиган ҳар бир Талабгорнинг Молиявий таклифини **6-Илова**га мувофиқ шакл ва мазмун жиҳатдан мувофиқлигини ҳамда тўлиқлигини аниқлаш учун текширади.

7.4.3. Агар Тендер комиссияси Молиявий таклифни **6-Илованинг** талабларига мувофиқ шакл ва мазмун бўйича тўлиқ эмаслигини аниқласа у тегишли Тендер таклифини рад этади.

7.4.4. Тендер комиссияси барча қолган Молиявий таклифларни Талабгорлар томонидан ўзларининг Молиявий таклифларида таклиф қилинган инвестицияларнинг умумий миқдоридан келиб чиқиб, энг пастдан юқори даражага қараб таснифлайди. Молиявий таклифларни таснифлаш ва баҳолаш Молиявий таклифлар очилган куни ёки Тендер комиссиясининг қарори билан бошқа санада амалга оширилади, аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам талабларга жавоб берадиган Талабгор ва унинг вакиллари иштирокисиз амалга оширилади.

7.4.5. Тендер таклифида энг юқори инвестиция миқдорини ўз ичига олган муносиб Талабгор Тендер ғолиби деб эълон қилинади.

7.4.6. Тендер комиссияси Тендер ғолиби Давлат шериги билан ДХШ тўғрисидаги Битимни тузмаган ёки четлаштирилган (дисквалификация қилинган) тақдирда, Тендер Ғолиби ўрнини босадиган Захира ғолибини танлайди ва эълон қилади. Захира ғолиби сифатида Тендер ғолибининг Техник таклифидан кейин энг юқори инвестиция миқдорини ўз ичига олган муносиб Талабгор танланади.

7.4.7. Агар икки ёки ундан ортиқ иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган Талабгорлар бир хил миқдордаги инвестиция миқдорини таклиф қилишган бўлса, бунда Талабгорларнинг бири томонидан киритилган инвестиция миқдори биноларни реконструкция қилиш ва тиббий асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун ДХШ лойиҳаси бошланишидан олдин кўпроқ маблағ ажратишни назарда тутса, шу Талабгор Тендер ғолиби деб тан олинади.

7.4.8. Агар Тендер таклифларини баҳолаш тугагандан сўнг Тендер комиссияси Тендер таклифларининг ҳеч бири Тендер таклифида белгиланган талабларга жавоб бермаслиги тўғрисида қарор қабул қилса, у ҳолда Тендер ҳақиқий эмас деб топилади. Битта ёки бир нечта Тендер таклифлари ТТСда белгиланган талабларга жавоб берган тақдирда ҳам Давлат шериги Тендер таклифини исталган вақтда, аммо Тендер ғолиби эълон қилинганидан олдин бекор қилиш ҳуқуқига эга (шу жумладан, лекин чекланмаган тарзда барча Тендер таклифларидаги Молиявий таклифлар Давлат шериги учун номақбул бўлса), бу ҳолатда ўзига ҳеч қандай жавобгарликни олмайди.

7.4.9. Тақдим этилган барча Тендер таклифлари (“ўз муддатида олинмаган” ва “қайтариб олинган” таклифлар бундан мустасно) Давлат шеригиники ҳисобланади ва уларни баҳолаш жараёни тугагандан сўнг Талабгорларга қайтарилмайди (Кафолат таъминоти бундан мустасно).

7.5. Тендер баённомаси

7.5.1. Тендер таклифларини баҳолаш тугагандан сўнг Тендер комиссияси йиғилиш ўтказилган кундан бошлаб 10 (ўн) календарь кун ичида Тендер натижалари тўғрисида баённома тузади ва имзолайди.

7.5.2. Тендер ғолиби Тендер натижалари тўғрисида баённома Тендер комиссияси аъзолари томонидан имзоланган кундан бошлаб 10 (ўн) календарь кун ичида Давлат шериги ўзининг расмий веб-сайтида Тендер натижалари тўғрисидаги хабарни эълон қилади ва бундай эълон қилинган сана “Тендер натижалари эълон қилинган сана” ҳисобланади. Тендер натижаларини эълон қилишда Тендер ғолиби деб эълон қилинган Талабгорнинг исми ва Захира ғолиби деб эълон қилинган (агар мавжуд бўлса) Талабгорнинг номи ёки Тендер ўтказилмаганлигини эътироф этиш тўғрисидаги қарор ва бундай қарор чиқарилиши сабаблари эълон қилинади.

7.6. Тендер жараёнларини бекор қилиш ёки ўзгартириш

Тендер жараёнлари бўйича мазкур ТТСнинг бошқа қоидаларига ёки аввал чиқарилган, ёки келгусида берилиши керак бўлган бошқа ҳужжатларга қарамай, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда исталган вақтда қуйидаги ҳуқуқларни ўзида сақлаб қолади ва Талабгор олдида жавобгарликка эга бўлмайди. :

а) ДХШ лойиҳаси доирасини ўзгартириш;

б) Тендер тартибларини ўзгартириш ёки уларга тегишли тартиб ва қоидаларни ўзгартириш ёки аниқлаштириш;

в) Тендерни ўтказиш вақтини, шу жумладан унинг ҳар қандай босқичини ўтказиш вақтини ўзгартириш;

г) Тендерни бекор қилиш;

д) ҳар қандай Талабгордан ТТСда иштирок этиш мақсадида тақдим этилган аризани баҳолаш учун исталган вақт ва ҳар қандай ҳолатда ҳамда бирор бир сабаб билан қўшимча маълумотларни сўраши мумкин.

7.7. Тартибга солиш қонунчилиги

Тендер ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тартибга солинади.

8. ДХШ ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМНИ ТУЗИШ

8.1.1. Давлат шериги Тендер натижалари эълон қилинган кундан бошлаб 30 (ўттиз) календарь кун ичида Тендер ғолиби билан ДХШ тўғрисидаги Битимни тузади.

8.1.2. Давлат шериги ДХШ тўғрисидаги Битим тузилишидан олдин ДХШ тўғрисидаги Битимга таҳририй ўзгартиришлар киритиши мумкин. Шубҳаларни олдини олиш мақсадида, ДХШ тўғрисидаги Битимга киритилган ўзгартиришлар, инвестициялар миқдори, кўрсатиладиган хизматлар ҳажми, муддати ва ДХШ тўғрисидаги Битимнинг бошқа муҳим шартларини ўзгаришига олиб келмаслиги керак. Тендер ғолиби томонидан тақдим этилган Тендер таклифлари асосида ДХШ тўғрисидаги Битимга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

8.1.3. Агар 8.1.1-бандда кўрсатилган муддат тугагандан сўнг, Тендер ғолиби ДХШ тўғрисидаги Битимни имзоламаса ёки Тендер ғолиби ушбу ТТСда назарда тутилган асослар бўйича четлаштирилиши (дисквалификация) керак бўлса, Тендер комиссияси ушбу Тендер ғолибини четлаштириш (дисквалификация) тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Тегишли Тендер натижалари талабига мувофиқ Захира ғолибини Тендер ғолиби деб эълон қилиш ва унга Тендер ғолиби четлаштириш (дисквалификация) тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб, ўттиз (30) кун ичида ДХШ тўғрисидаги Битимни имзолаш имконияти тақдим этилади. Агар Захирадаги ғолиб Давлат шеригига унга хабарнома юборилган кундан бошлаб 30 (ўттиз) календарь кун ичида тегишли ДХШ тўғрисидаги Битимни тузишни рад этса ёки ўз жавобини тақдим қилмаса, унда Тендер комиссиясининг қарори билан Тендер ҳақиқий эмас деб топилади. Тендер комиссияси тегишли баённомада Тендер бекор қилинганлигини кўрсатиши ва бундай қарор қабул қилинган кундан бошлаб 3 (уч) календарь кун ичида эълон қилиши шарт.

8.1.4. Мазкур ТТСда белгиланган тартибда Тендер натижалари эълон қилинганидан сўнг, Давлат шериги ДХШ тўғрисидаги Битимни тузишни бир томонлама рад этишга ва Тендер комиссияси Тендер натижаларини бекор қилишга ҳақли эмас, фақат Тендер комиссияси Тендер Ғолиби томонидан тақдим этилган маълумотни ва тегишли далиллар билан тасдиқланган ҳужжатларни ишончли бўлмаган деб топган ҳолатлар бундан мустасно. Бундай ҳолда, Захира ғолиби Тендер ғолиби деб эълон қилинади ва 8.1.1-банд талаблари қўлланилади.

8.1.5. ДХШ тўғрисидаги Битим имзолаганидан сўнг, Тендер ғолиби ДХШ тўғрисидаги Битимга мувофиқ Хусусий шерик мақомини олади ва ДХШ Лойиҳасини амалга оширишни бошлайди.

9. ИЛОВАЛАР

1-ИЛОВА: Тендер таклифининг умумий маълумотлари ва таркиби

Умумий маълумот

ДХШ лойиҳасининг номи	Сирдарё вилояти перинатал марказининг собиқ гинекология бўлими биноси ўрнида тиббиёт марказини ташкил этиш.
Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул ходимининг маълумотлари	Мингбаев Зоиржон Рахимович +998-71-241-86-13 +998-71-241-99-42
Тендерда иштирок этиш учун ариза тили	Ўзбек ёки рус
Тендерда иштирок этиш учун ариза шакли	Ёзма шаклда
Тендер ҳужжатларини юбориш учун манзил	Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Навоий кўчаси, 4-уй, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг электрон почта манзили	info@ssv.uz

Тендер таклифлари таркиби

Ҳужжатлар	Сони	Тил
2-Иловага мувофиқ шаклда Тендер таклифи хати	Битта асли	Ўзбек ёки рус
3-Иловага мувофиқ шаклда Малакавий талаб	Битта асли	Ўзбек ёки рус
4-Иловага мувофиқ шаклда Ваколатли вакилнинг ваколатини тасдиқловчи ишончнома ёки бошқа ҳужжат	Битта асли	Ўзбек ёки рус
5-Иловага мувофиқ Техник таклиф	Битта асли	Ўзбек ёки рус
6-Иловага мувофиқ Молиявий таклиф	Битта асли	Ўзбек ёки рус
7-Иловага мувофиқ шаклда Кафолат таъминоти	Битта асли	Ўзбек ёки рус

2-ИЛОВА: Тендерда қатнашиш учун ариза шакли²

[Талабгорнинг бланкасида]

Сана: ____

Кимга: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Кимдан: [Талабгорнинг номи]

Сизнинг _____ да келган ТТСга жавобан, мен Тендер хужжатларини ўрганиб ва тушуниб, шу билан бирга Сирдарё вилояти перинатал марказининг собиқ гинекология бўлими биноси ўрнида давлат-хусусий шериклик асосида тиббиёт марказини ташкил этиш лойиҳаси (ДХШ лойиҳаси) бўйича Тендер таклифимни тақдим этаман.

Ушбу хатда катта ҳарфлар билан берилган ва изоҳ берилмаган атамалар Тендер хужжатида келтирилган маъноларга эга.

Мен қуйидагиларни баён қиламан:

1. Тендер комиссияси ёки Давлат шериги ушбу Тендер таклифида келтирилган маълумотларга ишонишларини ва таянишларини ҳамда ушбу хужжатларда келтирилган барча маълумотларнинг тўғри ва аниқ эканлигини тасдиқлайман; бундай маълумотларнинг нотўғри бўлишига олиб келадиган камчиликлар мавжуд эмас; нусхалар сифатида тақдим этилган барча хужжатлар уларнинг аслидан олинган ҳақиқий нусхалардир.

2. Мен ўзим томонидан тақдим этган ва эълон қилган ҳар қандай хужжатлар, маълумотларни Давлат шериги ёки Тендер комиссияси томонидан текшириши мумкинлигига қўшиламан ва тасдиқлайман ҳамда Тендер таклифи билан боғлиқ қўшимча маълумот, тушунтиришларни талаб қилишлари ҳуқуқига эга эканликларини тасдиқлайман.

3. Мен Тендер хужжатларига, шу жумладан Давлат шериги томонидан ўзгартирилган ҳар қандай қўшимчаларга нисбатан ҳеч қандай эътирозим йўқ.

4. Мен бошқа Талабгорларга алоқадор эмаслигимни, яъни бошқа Талабгор қарорини бевосита ёки билвосита белгилашга ёки унга таъсир кўрсатишга, шу жумладан келишув (шу жумладан оғзаки келишув) ёки бошқа битим асосида таъсир қилиш ҳуқуқига эга эмаслигимни ва мен унинг мансабдор шахси, акциядори ёки иштирокчиси эмаслигимни тасдиқлайман.

5. Тендерда иштирок этиш учун ариза топшириш пайтида мен ТТСда кўрсатилган талабларга жавоб беришимни, шу жумладан тугатиш ва / ёки банкротлик жараёнида бўлмаслигимни ҳамда мавжуд қарзларни ўз вақтида тўлашга қодир бўлганлигим тўғрисида барча етарли асосларга эга эканлигимни тасдиқлайман.

6. Мен ушбу ТТСдан олдин ўтган бир йил ичида бирор бир суд ёки бошқа тегишли органлар томонидан чиқарилган қарорлар бўйича мажбуриятларим ва солиқ тўловлари юзасидан мажбуриятларим йўқлигини тасдиқлайман, амалдаги бухгалтерия қоидаларига мувофиқ ҳар бир бундай мажбурият учун тегишли белгиланган бухгалтерия захиралари ишлаб чиқилганлиги бундан мустасно.

7. Менга нисбатан жиноий ҳаракатлар учун тергов ҳаракатлари олиб борилмаяпти.

² Талабгорлар ушбу хат шакли тузилишида ҳар қандай ўзгаришларга ушбу хат шаклида йўл қўйилмаслигини ҳисобга олишлари лозим, бундай ўзгаришларга ТТСда аниқ йўл қўйилган ҳоллар бундан мустасно. Тендер комиссияси тузилиши/мазмуни ўзгарган тақдирда Тендер таклифини рад этиши ёки унинг қайта тақдим этилишини талаб қилиши мумкин.

8. Тендерда иштирок этиш учун ариза топшириш чоғида мен бирор бир халқаро ва маҳаллий банкларнинг санкциялар рўйхатига ёки бошқа санкциялар рўйхатига киритилмаганлигимни тасдиқлайман.

9. Тендер комиссияси томонидан мен Тендер ғолиби сифатида аниқланган тақдиримда, мен ДХШ тўғрисидаги Битимни тузишга тайёр эканлигимни тасдиқлайман.

10. Мен менинг директорим, ходим ва маслаҳатчиларим ёки бошқа маслаҳат берувчилар томонидан Тендернинг ёки Тендер комиссияси аъзоларининг холислигига нисбатан ишончсизлигига олиб келадиган, яъни давлат шериги шу жумладан Тендер комиссияси аъзолари билан манфаатлар тўқнашувига эга эмаслигини тасдиқлайман.

11. Мен Давлат шериги ва / ёки Тендер комиссияси исталган вақтда қуйидаги ҳуқуқларга эга эканлигини тан оламан:

а. ДХШ лойиҳаси доирасини ўзгартириш;

б. Тендерга ўзгартиришлар киритиш ёки ўзгартириш, унга тегишли тартиб ва қоидаларни аниқлаштириш;

в. Тендерни бекор қилиш;

г. Тендер таклифини баҳолаш учун зарур бўлган ҳар қандай Талабгордан қўшимча маълумот сўраш;

ҳар қандай ҳолатда ҳам бирор бир сабабга кўра ва бирор бир Талабгор олдида жавобгар ҳисобланмайди.

12. Мен Тендер жараёни вақтида юзага келган ёки ТТСда белгиланган тартибда Тендердан мени четлаштиришга (дисквалификация) олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган фактлар ёки ҳолатлардаги ўзгаришлар тўғрисида Давлат шеригига зудлик билан хабар беришни ўз зиммамга оламан.

13. Агар Тендер ғолиби деб эълон қилинган тақдиримда, мен Тендер таклифларини топшириш муддати тугашидан олдин тақдим этилган ДХШ тўғрисидаги Битим лойиҳасига мувофиқ ДХШ тўғрисидаги Битимни тузишга розилик билдираман.

13. Мен барча Тендер ҳужжатларини синчковлик билан кўриб чиқдим ва ДХШ лойиҳаси жойлашган жойни ўрганиб чиқдим, мен ДХШ тўғрисидаги Битимда белгилангандан ташқари, Давлат шериги томонидан тақдим этилган ҳар қандай ҳужжат ёки маълумотдан келиб чиқадиган ёки Тендер жараёнида келиб чиқадиган ёки у билан боғлиқ ҳар қандай масалага нисбатан ҳеч қандай эътироз ва ҳуқуқларга эга эмаслигимни тушунаман.

14. Молиявий таклиф мен тарафимдан ТТСда ва ДХШ тўғрисидаги Битим лойиҳасида кўрсатилган барча шартларни, ўзимнинг харажатларим бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олган ҳолда ва лойиҳа объектини синчковлик билан баҳолашдан ва Тендер таклифига таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа ҳолатлардан кейин тузилган.

15. Мен 6.11-бандга мувофиқ Давлат шериги фойдасига ДХШ лойиҳа концепциясида кўрсатилган капитал ва эксплуатация харажатларидан иборат умумий харажатларнинг 2,5% миқдорида, яъни 258 000 000 сўм миқдорида Кафолат таъминотини таклиф қиламан.

16. Тендер таклифини мазкур Тендер таклифида белгиланган ҳақиқий муддат давомида сақлашга розиман.

17. Мен тақдим этган барча аризалар, ваколатлар ва баёнотлар ҳақиқий, аниқ ва ишончли, шунингдек уларни нотўғри эмаслигини тасдиқлайман, акс ҳолда (ёки бундай аризалар, ваколатлар ва баёнотлар ёлғон деб топилса) Тендерда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилинаман.

18. Тендер таклифимда назарда тугилган кўшимча изоҳ ва шартларга қарамай, мен ўзимнинг Тендер таклифим ҳар томонлама қатъий ва тўлиқ эканлигини тасдиқлайман.

Хурмат билан,

(Ваколатли вакилнинг исми ва имзоси) (сана)

(Талабгорнинг номи ва муҳри)

3-ИЛОВА. Малакани тасдиқлаш тўғрисидаги ариза шакли

[ТАЛАБГОРНИНГ НОМИ] шу билан ТТСда белгиланган шартларда ва тартибда Сирдарё вилояти перинатал марказининг собиқ гинекология бўлими биноси ўрнида тиббиёт марказини ташкил этиш бўйича ДХШ лойиҳаси юзасидан Тендерда иштирок этиш ниятини билдиради ва Тендерда иштирок этиш учун ушбу аризани тақдим этади.

А. Талабгор (тегишли белгини белгиланг):

- а. Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ рўйхатдан ўтган ва фаолият юритаётган юридик шахс;
- б. Чет давлат қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтган юридик шахс

Талабгорнинг номи	
Рўйхатдан ўтган давлат рақами	
Ташкил топган йили	
Юридик манзили	
Телефон рақами	
Факс	
Веб-сайт (агар мавжуд бўлса)	
Электрон почта	
Боғланиш учун масъул шахс (Ф.И.О., телефон рақами, электрон почтаси)	

Б. Малакага оид талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ва Тендерда иштирок этиш учун аризага илова қилинган маълумотлар.

Талабгорнинг Ваколатли вакили қуйидаги Малакага оид талабларга мувофиқлигини тасдиқлайди ва ҳужжатларни Тендер комиссиясига тақдим этади:

№	Малакага оид талаблар	Малакавий талабга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар
1.	Талабгор юридик шахс мақомига эга	Юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома
2.	Талабгор тугатиш ва/ёки банкротлик жараёнида эмас ва унинг қарзлари юзага келиши билан ўз вақтида тўланишига ишониш учун етарли асосларга эга.	Талабгорнинг фаолият тўғрисидаги солиқ инспекциясидан маълумотнома
3.	Ушбу ТТСдан олдин ўтган бир йил ичида бирор бир суд ёки бошқа тегишли органлар томонидан чиқарилган қарорлар бўйича мажбуриятлари ва солиқ тўловлари юзасидан мажбуриятлари йўқлиги, амалдаги бухгалтерия қоидаларига мувофиқ ҳар бир бундай мажбурият учун тегишли белгиланган бухгалтерия захиралари ишлаб чиқилганлиги бундан мустасно.	3-Иловада келтирилган ариза (Малакани тасдиқлаш учун ариза шакли)

4.	Талабгорнинг хусусий тиббиёт ташкилотларини бошқариш ёки ташкил этиш бўйича тажрибаси бор ёки камида 5 (беш) йиллик иш тажрибасига эга бўлган бошқа хусусий тиббиёт ташкилоти билан тузилган кафиллик шартномаси мавжуд.	Лицензияни берган орган кўрсатилган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш учун лицензия ёки камида 5 (беш) йиллик иш тажрибасига эга бўлган хусусий тиббиёт ташкилоти билан тузилган кафиллик шартномаси
5.	Талабгорнинг ДХШ лойиха концепциясида белгиланган капитал ва операцион харажатлардан иборат умумий харажатларнинг камида 1% миқдорида молиявий манбалари мавжуд.	Керакли маблағнинг мавжудлиги тўғрисида тижорат банки томонидан тақдим этиладиган маълумотнома
6.	Талабгор бошқа Талабгорнинг аффилиланган шахси эмас.	3-Иловада кўрсатилган шаклдаги ариза (Малакани тасдиқлаш учун ариза шакли).
7.	Талабгорга нисбатан жиноий ҳаракатлар юзасидан тергов ҳаракатлари йўқлиги.	3-Иловада кўрсатилган шаклдаги ариза (Малакани тасдиқлаш учун ариза шакли)
8.	Талабгор Ўзбекистон Республикасида тендерда ёки бошқа давлат харидларини ўтказиш жараёнларидан четлаштирилмаган (дисквалификация қилинмаган).	3-Иловада кўрсатилган шаклдаги ариза (Малакани тасдиқлаш учун ариза шакли)
9.	Талабгор бирор бир халқаро ва маҳаллий банкларнинг санкциялар рўйхатига ёки бошқа бирор бир санкция рўйхатига киритилмаган	3-Иловада кўрсатилган шаклдаги ариза (Малакани тасдиқлаш учун ариза шакли)
10.	Талабгор ҳеч қандай кўринишда Ўзбекистон Республикасида давлат санкцияларига мос келмайдиган фаолият билан шуғулланмаган.	3-Иловада кўрсатилган шаклдаги ариза (Малакани тасдиқлаш учун ариза шакли)
11.	Талабгорнинг куйидаги муносабатларидан келиб чиқадиган ҳақиқий ёки тахмин қилинган манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмас: (i) у ва унинг директори, ходими ва маслаҳатчилари ёки бошқа маслаҳат берувчилари томонидан; (ii) Тендернинг ёки Тендер комиссияси аъзоларининг холислигига нисбатан	3-Иловада кўрсатилган шаклдаги ариза (Малакани тасдиқлаш учун ариза шакли)

ишончсизлигига олиб келадиган, яъни Ўзбекистон Республикасининг ҳар қандай вазирлиги, агентлиги, идораси ёки бошқа органи (шу жумладан Тендер комиссияси) ёки уларнинг тегишли мансабдор шахслари ёки ходимлари билан манфаатлар тўқнашувининг мавжуд эмаслиги.	
---	--

Талабгор Ваколатли вакилининг Ф.И.Ш

Лавозими

[САНАСИ]

имзо

муҳр (агар мавжуд бўлса)

4-ИЛОВА. Ишончнома шакли

[Талабгорнинг бланкасида, ишончноманинг берилган санаси ва жойи]

ИШОНЧНОМА

Шу билан, [ТАЛАБГОРНИНГ НОМИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛИ] (кейинги ўринларда – “Ишонч билдирувчи”) [ТЎЛИҚ ИСМИ ВА ЛАВОЗИМИ] бошчилигида қуйидагиларни тайинлайди:

[ШАХСНИНГ ТЎЛИҚ ИСМИ], [ФУҚАРОЛИГИ], [ТУҒИЛГАН КУН], [ШАХСНИ ТАСДИҚЛОВЧИ ХУЖЖАТИ (масалан, ПАСПОРТ)] эгаси, яшаш жойи: [ЯШАШ МАНЗИЛИ],

Талабгорнинг ҳақиқий ва Ваколатли вакили (кейинги ўринларда – “Вакил”) ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда - “ССВ”) томонидан тасдиқланган тендер хужжатларига мувофиқ, Сирдарё вилояти перинатал марказининг собиқ гинекология бўлими биноси ўрнида давлат-хусусий шериклик асосида тиббиёт марказини ташкил этиш лойиҳаси (кейинги ўринларда - “ДХШ лойиҳаси”)ни амалга ошириш учун Тендерда иштирок этиш учун ариза топширилиши муносабати билан зарур бўлган ёки талаб қилинадиган барча ҳаракатлар ва битимларни Ишонч билдирувчи номидан амалга оширишга ваколат беради. Жумладан:

(i) Тендерда иштирок этиш учун аризани, шунингдек бошқа ҳар қандай хужжатларни, ёзма ёки оғзаки тушунтиришларни, таклифларга оид изохларни имзолаш, топшириш ва қайтариб олиш;

(ii) Тендер комиссияси / ССВ га маълумот / жавобларни тақдим этиш;

(iii) Тендер комиссияси / ССВ билан барча муносабатларда Ишонч билдирувчининг вакили;

(iv) ССВ билан ДХШ тўғрисидаги Битим шартлари бўйича музокараларда иштирок этиш [ДХШ лойиҳаси бўйича барча шартномаларни, шу жумладан ДХШ тўғрисидаги Битимни имзолаш ва амалга ошириш];

(v) ДХШ тўғрисидаги Битим тузилгунга қадар Тендер комиссияси ва / ёки ССВ билан ҳамкорлик қилиш ёки Тендерда иштирок этиш учун ариза топшириш;

Ишончнома асосида Вакилга берилган ваколатлар доирасида қонун талаблари асосида қилган ҳаракатлари ва чоралар Ишонч билдирувчи томонидан амалга оширилган деб ҳисобланади.

Мазкур Ишончнома [МУДДАТ] га қадар амал қилади. Ушбу Ишончнома Тендерда иштирок этиш учун тақдим этилган ариза қайтариб олинган ёки рад этилган, шунингдек бошқа Талабгор билан ДХШ тўғрисидаги Битим тузилган тақдирда бекор қилинади.

Мазкур Ишончнома бўйича ваколатларни бошқа шахсга бериш мумкин эмас.

Мазкур Ишончномада аниқланмаган барча катта ҳарф билан келтирилган атамалар ТТСда берилган маънога эга.

УШБУ ИШОНЧНОМА [ТАЛАБГОРНИНГ НОМИ] НОМИДАН БУГУН [САНА] ТАҚДИМ ЭТИЛГАНЛИГИ ИШОНЧ БИЛДИРУВЧИ ТОМОНИДАН ТАСДИҚЛАНАДИ.

[Исм, Лавозим]

[Имзо] [Мухр (мавжуд бўлса)]³

³ Агар мухр мавжуд бўлмаса, Ишончнома нотариал тасдиқланиши ва тегишли равишда апостиляция қилиниши / қонунийлаштирилиши керак.

5-ИЛОВА: Техник таклифлар учун минимал талаблар

Талабгорлар қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда ўзларининг Техник таклифларини тақдим этишлари шарт:

- қуйида келтирилган Техник таклифга мувофиқ давлат-хусусий шериклик объекти ёки хусусий шерик томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг сифатига минимал талаблар;

- ДХШ тўғрисидаги Битимда белгиланган талаблар, шунингдек, Битимнинг **2-Иловаси**да қайд этилган тиббий хизматларни ташкил қилиш бўйича техник таклифлар;

- Миллий даволаш стандартлари;

- Фойдаланишга топширишнинг режалаштирилган санаси.

Техник таклифни баҳолаш ТТСда ва **8-Илова**да (Тендер таклифларини баҳолаш шакли) кўрсатилган мезонларга мувофиқ амалга оширилади.

Талабгорлар Тендер ғолиби деб эълон қилиниб, Хусусий шерик мақомини олишса, уларнинг Техник таклифи ДХШ тўғрисидаги Битимнинг ажралмас қисми сифатида киритилади ва Битим муддати давомида амал қилади. Хусусий шерик ушбу Техник таклифга риоя қилиниши лозимлигини тушунади ва эътироз билдирмайди.

Техник таклиф қуйидаги Минимал талабларни ўз ичига олиши керак, уларнинг ҳар бири Техник таклифнинг алоҳида бўлимларида аниқ акс эттирилиши лозим:

- Битим муддати давомида инфратузилма режаси, шу жумладан камида:
 - Ҳажм: тиббиёт марказида қанча беморга ДХШ тўғрисидаги Битимда белгиланган минимал ҳажм талабларига мувофиқ хизмат кўрсатиш мумкин;
 - Ускуналар: тиббиёт марказида қандай асосий жиҳозлар ўрнатилади, ишлаб чиқарувчи, жиҳозларнинг тури ва миқдори. Амалдаги тиббий асбоб-ускуналар тегишли идораларда рўйхатдан ўтган ва мувофиқлик сертификатларига эга бўлиши керак.
 - Хизмат кўрсатиш режаси: Битим муддати давомида жиҳозни яхши иш ҳолатида сақлаш учун унга техник хизмат кўрсатишни ўз вақтида ташкил этиш.

- Битим муддати учун хизмат кўрсатиш режаси, шу жумладан камида:
 - Сифатни назорат қилиш тизими: фойдаланиладиган тизим тури ва тизим доираси, шу жумладан соғлиқни сақлаш хизматининг бошқа жойларда тизимдан фойдаланиши тўғрисидаги маълумотлар;
 - Ҳеч бўлмаганда ҳисобот бериш талабларига мувофиқ равишда юқори сифатли ҳисоботларни ишлаб чиқариш учун ИТ-tizим;
 - Инфекцияни назорат қилиш режаси;
 - Ўзаро ҳамкорлик режаси: Беморларга мурожаат қилиш нуқтаи назаридан давлат тиббиёт мутахассислари ва касалхоналари билан ўзаро алоқалар қай тарзда ташкил қилинади ва назорат қилинади.

- Битим муддати учун Миллий даволаш стандартларида белгиланган ва ДХШ тўғрисидаги Битимда белгиланган Техник талабларга мувофиқ ходимлар режаси, шу жумладан:
 - Ходимлар даражасини белгилаш уларнинг тоифалари ва малакалари бўйича тақсимланади. Ушбу ходимлар билан таъминлаш даражаси Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мос келиши ва етарли эканлигини асослаш.
 - ишга қабул қилиш режаси, шу жумладан иш жойи ва ходимларни жойлаштириш муддати;

- малака оширишнинг бошланғич режаси, шу жумладан ўқитиладиган кадрларнинг тахминий сони ва таркиби ва уни амалга ошириш тартибини;
- Иш пайтида узлуксиз ўқув режаси.

- Лойиҳани амалга ошириш режаси.

- Лойиҳани амалга ошириш режаси муддатлари ва асосий босқичлари (ДХШ тўғрисидаги Битим имзоланган санадан бошлаб, тиббиёт маркази тиббий хизмат кўрсатишни бошлаган сана)

- амалга оширишни ташкил этиш, шу жумладан масъул шахсларнинг шахсига оид маълумотлари (Резюме)ни тақдим этган лойиҳа жамоаси, яъни:

Лойиҳани амалга ошириш бўйича бош менеджер;

Тиббий йўналишлар учун масъул шахс (малака оширишни ташкил этиш, сифат назорати тизими);

Ишчи-ходимларни ёллаш учун масъул шахс;

Биномларни қуриш ва / ёки реконструкция қилишни бошқариш учун масъул шахс.

Бир киши бир ёки бир нечта вазифаларни бажариши мумкин бўлган ҳолларда, у тегишли малакага эга эканлиги унинг шахсига оид маълумотларида (резюмеси) ҳар бир вазифани бажариш тажрибаси ва малакасини мавжудлигини аниқ кўрсатиши керак.

6-ИЛОВА: Молиявий таклифлар шакли

[Талабгорнинг бланкасида]

ДХШ лойиҳаси учун Молиявий таклиф

Хурматли Тендер комиссиясининг раиси,

ТТС ва Тендер ҳужжатларини синчковлик билан ўрганиб чиқиб, тегишли текширувдан ўтказганимиздан сўнг, қуйидаги Молиявий таклифни тақдим этамиз.

Бинони таъмирлаш ва ҳудудни ободонлаштириш, шунингдек жиҳозлаш ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар сотиб олиш учун инвестиция миқдори;	Амалга оширилган ишларнинг номи ва қиймати, шунингдек, инвентарлар ва тиббий асбоб-ускуналарнинг нархлари кўрсатилган рўйхат. Шу билан бирга тақдим этилган ҳисоб-китобларнинг жамланган қийматлари.
Тиббиёт марказининг дастлабки босқичида киритиладиган инвестиция миқдори.	Дастлабки босқичда тиббиёт марказининг ишлаши учун харажатларнинг номи ва миқдори
	Тиббиёт марказини ташкил этиш учун жами инвестиция миқдори

Хурмат билан,

Ваколатли вакилнинг исми, лавозими ва имзоси

[Талабгорнинг муҳри]

7-ИЛОВА: Кафолат таъминоти шакли

Кимга: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Давлат шериги)

Чиқиш рақами:

Берилган сана: [сана] 2021 йил (Берилган сана)

Давлат шериги томонидан Сирдарё вилояти перинатал марказининг собиқ гинекология бўлими биноси ўрнида давлат-хусусий шериклик асосида тиббиёт марказини ташкил этиш лойиҳаси (**ДХШ лойиҳаси**) бўйича Хусусий шерикни танлаш мақсадида 2021 йил “___” _____ даги Тендер таклифларини тақдим этиш бўйича сўров юборди.

ТТСда (ёки тегишли хужжатларда) белгиланган ва ишлатилган, аммо ушбу хужжатда аниқланмаган катта ҳарфлар билан ёзилган атамалар ТТСда (ёки тегишли хужжатларда) белгиланган маъноларга эга.

[*Талабгорнинг номи*] (**Талабгор**) Давлат шеригига ТТСга жавобан ДХШ лойиҳаси бўйича ўз Тендер таклифини тақдим этди.

ТТС талабларига мувофиқ, Талабгор талаб бўйича Давлат шериги фойдасига банк кафолатини беришга мажбурдир.

Биз, [*Кафолат таъминотини тақдим этувчи молия институтининг номи*] (**Банк**) талабнома асосида (**Кафолат таъминоти**) ТТС га мувофиқ Талабгорнинг маълум вазифалари ва мажбуриятларини бажарилишини таъминлашга ва агар Талабгор Тендер ғолиби сифатида танланган тақдирда, ДХШ тўғрисидаги Битимга асосан ушбу банк кафолатини тақдим этишга розилик билдирамыз.

БАНК ҚУЙИДАГИЛАРНИ КЕЛИШАДИ:

1. Ушбу Кафолат таъминоти шартларига мувофиқ, Банк Давлат шеригидан биринчи ва кейинги барча ёзма талабномаларни (ҳар бири алоҳида - **Талабнома**) олгандан сўнг Давлат шеригига дарҳол кўрсатилган пул миқдорни далил ва шартларсиз тўлашни ўз зиммасига олади:

а) Тендер ғолиби Давлат шериги билан ТТСда белгиланган муддат ичида ДХШ тўғрисидаги Битимни тузмаган тақдирда;

б) Талабгор Коррупция, Фирибгарлик, Мажбурлаш ёки Тил бириктириш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширган ёки Тендерда қатнашаётганда тақиқланган ҳатти-ҳаракатлар қилганда;

в) Хусусий шерик бўлган иштирокчи, ДХШ тўғрисидаги Битимнинг кучга кириши учун ДХШ тўғрисидаги Битимда белгиланган дастлабки шартларни бажармаган бўлса;

2. Талабнома – Банк томонидан пулни Давлат шеригига тўлаб берилишини инкор этиб бўлмайдиган масъулияти ҳисобланиб, бунда Талабгор ёки бошқа шахснинг ҳар қандай эътирозлар келтиришига асослар бўлишидан қатъи назар инобатга олинмайди.

3. Банкнинг ушбу Кафолат таъминоти бўйича тўловни амалга ошириш мажбурияти асосий, мустақил ва мутлақ мажбурият бўлиб, у бирор бир сабабга кўра тўловни кечиктириш ёки бекор қилишга ҳақли эмас.

4. Мазкур Кафолат таъминоти бўйича барча тўловлар Давлат шериги томонидан юборилган ҳисоб рақамлари қайд этилган ёзма равишдаги билдиргиси асосида, Сўмда амалга оширилади ва ҳар қандай шахс томонидан ҳеч қандай ушлаб қолишларсиз, қарши талабнома қўйилмасдан ёки ҳар қандай жавобгарлик ҳисобига, шунингдек, мавжуд ва келгусида вужудга келиши мумкин бўлган солиқ, бож, бошқа турдаги тўловлар ҳамда ҳар қандай турдаги ва ҳар қандай бошқа шахслар томонидан ушлаб қолинишларсиз амалга оширилади.

5. Мазкур Кафолат таъминоти бўйича Банкнинг максимал йиғма мажбурияти ДХШ лойиҳа концепциясида кўрсатилган капитал ва операцион харажатлардан иборат умумий

харажатларнинг 2,5% дан, яъни 258 000 000 сўм (**Кафолат таъминоти суммаси**) дан ошмаслиги керак, фоизлар ва суд харажатлари бундан мустасно.

6. Мазкур Кафолат таъминоти берилган кундан бошлаб кучга киради ва узлуксиз мажбурият ҳисобланиб, қуйидаги ҳолатлар аниқлангунга қадар тўлиқ ўз кучида қолади ҳамда Кафолат таъминоти бўйича Банкнинг мажбуриятлари тўлиқ ёки қисман озод қилинишига ҳеч қандай ҳатти-ҳаракатлар, ҳаракатсизлик ва бошқа ҳолатлар таъсир қилмайди:

а) Талабгор Тендер ғолиби бўлган тақдирда ДХШ тўғрисидаги Битим шартларига асосан ДХШ объекти ишга тушиб, фаолият кўрсата бошлагандан кейин қайтарилади;

б) Тендер ғолиби бўлмаган Талабгорга Кафолат таъминотини қайтариш санаси Тендер таклифида белгиланган шартларга асосан амалга оширилади.

7. Барча талаблар ёзма равишда расмийлаштирилиши ва шахсан, курьер ёки факс орқали Банкнинг қуйидаги манзилига юборилиши лозим:

Манзил: (манзил)

Факс: (факс рақами)

Масъул шахс: (Ф.И.Ш)

8. Юборилган ҳар қандай талаб (лар):

- Курьер орқали юборилганидан сўнг 5 (беш) кун ўтгач (аввалроқ олинганлиги тўғрисида маълумот бўлмаса) кўриб чиқилади;

- факс орқали юборилган талаблар шу куни олинган ҳисобланиб, у имзоланган асл талабнома куч ва таъсирга эга бўлади.

9. Банк ўз манзили, курьер орқали етказиладиган почта ёки электрон почта манзили, шунингдек, факс рақамлари ўзгарганлиги тўғрисида 5 (беш) кун ичида Давлат шеригини ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

10. Мазкур Кафолат таъминоти ва ундан келиб чиқадиган ёки унга боғлиқ бўлмаган ҳар қандай шартномада кўрсатилмаган мажбуриятлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тартибга солинади. Ушбу Кафолат таъминотидан ёки ушбу ҳужжат юзасидан келиб чиқадиган ёки унга алоқадор ҳар қандай низо ёки бошқа келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади. Ҳакамлик тартибида ўтказиладиган муҳокама жойи - Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, ҳакамлик муҳокамаси тили ўзбек ёки рус тилларида, амалдаги қонунчилик эса - Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги. Ҳакамлик қарори якуний ва мажбурий кучга эга бўлади.

[Эмитент-банк].....

Имзо қўйиш ҳуқуқига эга ваколатли шахс имзоси

[МУҲР]

8-ИЛОВА: Тендер таклифларини баҳолаш шакли

Биринчи босқич - Малакага оид талабларни баҳолаш

Талабгорларнинг малакасига оид талаблар	1- талабгорнинг Тендерда қатнашиш учун аризаси	2- талабгорнинг Тендерда қатнашиш учун аризаси	3- талабгорнинг Тендерда қатнашиш учун аризаси
<i>1-талаб</i> - Ўзбекистон Республикасида ёки чет давлатда юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтганлиги			
<i>2-талаб</i> - тугатиш ва / ёки банкротлик жараёнида бўлмаслик ва мавжуд қарзлар вужудга келган тақдирда қайтарилишига ишониш учун етарли асосларга эга бўлиши			
<i>3-талаб</i> - ушбу ТТС санасидан олдинги сўнгги бир йил ичида бирор бир суд ёки шунга ўхшаш жараёнлар доирасида чиқарилган қарорларга нисбатан солиқ мажбуриятлари ва / ёки мажбуриятлари йўқ, агар ҳар бир бундай мажбурият бўйича ушбу мажбуриятлар мавжуд бўлмаса, амалдаги бухгалтерия коидаларига мувофиқ тегишли бухгалтерия захираларини шакллантирган			
<i>4-талаб</i> - хусусий тиббиёт ташкилотларини бошқариш ёки ташкил этиш бўйича тажрибага эга бўлиш ёки камида 5 (беш) йиллик тажрибага эга бўлган хусусий тиббиёт ташкилоти билан кафиллик шартномаси тузиш			
<i>5-талаб</i> - ДХШ лойиҳа концепциясида белгиланган капитал ва эксплуатация харажатлари йиғиндисидан иборат умумий харажатларнинг камида 1% миқдорида молиявий маблағларга эга бўлиш			
<i>6-талаб</i> - бошқа Талабгорга алоқадор ёки аффилиланган шахс бўлмаслиги			
<i>7-талаб</i> - Жиноий ҳаракатлар учун тергов қилинмаётганлиги			
<i>8-талаб</i> - Ўзбекистон Республикасида ўтказиладиган Тендерлар ва бошқа давлат харидларида тўхтатиб қўйилмаганлиги ёки дисквалификация қилинмаганлиги			

9-талаб - халқаро ва маҳаллий банкларнинг санкциялар рўйхатига ёки бошқа санкциялар рўйхатига киритилмаганлиги			
10-талаб – Ўзбекистон Республикасининг давлат санкцияларига мос келмайдиган ишларда бирор бир кўринишда аралашмаслик			
11-талаб - Қуйидаги муносабатлардан келиб чиқадиган ҳақиқий ёки тахмин қилинган манфаатлар тўқнашувига эга эмас: (i) У ва унинг директори, ходими ва маслаҳатчилари ёки бошқа маслаҳат берувчилари томонидан; (ii) Тендернинг ёки Тендер комиссияси аъзоларининг ҳолислигига нисбатан ишончсизлигига олиб келадиган, яъни Ўзбекистон Республикасининг ҳар қандай вазирлиги, агентлиги, идораси ёки бошқа органи (шу жумладан Тендер комиссияси) ёки уларнинг тегишли мансабдор шахслари ёки ходимлари билан манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслиги.			
Ўтди / Ўтмади Ўтди - агар Техник таклиф юқоридаги барча мезонлардан “ўтган” бўлса. Ўтмаган - бошқа мезонларни баҳолаш натижаларидан қатъи назар, Техник таклиф мезонларнинг биридан “ўтмаган” бўлса.			

Тендер комиссияси аъзолари юқорида кўрсатилган мезонлар асосида Талабгорларнинг Малакага оид талабларини очиқ овоз бериш йўли билан қуйидаги тартибда “Ўтди / Ўтмади” тамойили асосида баҳолайдилар.

Овоз бериш натижаларига кўра, Тендер комиссияси Тендерда иштирок этиш учун ариза юзасидан ҳар бир талаб учун баҳолаш шаклини “Ўтди” ва “Ўтмади” деган белгилар билан тўлдиради.

Агар Тендер комиссияси аъзолари томонидан тўлдирилган Малакага оид талабларни баҳолаш шакллари кўпчилигида Талабгорга тегишли Малакага оид талаблар “ўтган” деб тан олинса, мазкур Малакага оид талаблари “Ўтди” деб ҳисобланади. Малакага оид талаблар “ўтмаган” деб ҳисобланган Талабгорларнинг Техник таклиф ва Молиявий таклифлари Тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди. Техник таклиф, Молиявий таклифлар солинган конвертлар очилмасдан қолдирилади.

Иккинчи босқич - Техник таклифларни баҳолаш

Талабгорларнинг Техник таклифлари қуйидаги мезонларга мувофиқ “Ўтди/Ўтмади” тамайили асосида баҳоланади:

Мазмуни	Баҳолаш мезони	Натижа
Инфратузилма режаси	<p>Режанинг бажарилиши Битим муддати давомида ташкил этилган тиббиёт маркази учун тегишли инфратузилманинг мавжуд бўлишига олиб келади, яъни:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Тиббиёт маркази аҳолига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тайёрланган даволаш стандартлари талабига асосан хизмат қилади - Янги ва фойдаланилмаган тиббий ускуналар - Амалдаги тиббий асбоб-ускуналар тегишли идораларда рўйхатдан ўтган ва мувофиқлик сертификатларига эга - Режалаштирилган профилактик хизмат кўрсатиш режалаштирилган, бирламчи техник хизмат тиббиёт марказида ишлайдиган техник ходимлар томонидан амалга оширилади, янада мураккаб техник хизмат Хусусий шерикнинг техник ходимлари томонидан, ёки келишув асосида жиҳоз етказиб берувчилар билан Битим муддати давомида амалга оширилади. 	<p>Ўтди - агар Техник таклифнинг ушбу бўлими барча сўралган жиҳатларни қамраб олган бўлса.</p> <p>Ўтмади - агар Техник таклифнинг ушбу бўлими сўралган жиҳатлардан бирини қамраб олмаган бўлса.</p>
Хизмат кўрсатиш режаси	<p>Битим муддати давомида хавфсизликнинг белгиланган стандартлари бўйича хавфсиз тиббий ёрдамни таъминлайди, булар:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Хусусий шерикка хизматлар сифатини ўлчаш ва яхшилаш, даволаш стандартлари талабига жавоб беришга имкон берадиган сифат менежменти тизими яратилади; - Беморларга мурожаат қилиш бўйича давлат тиббиёт мутахассислари ва шифохоналар билан ўзаро алоқаларни ташкил этиш ва назорат қилиш. 	<p>Ўтди - агар Техник таклифнинг ушбу бўлими барча сўралган жиҳатларни қамраб олган бўлса.</p> <p>Ўтмади - агар Техник таклифнинг ушбу бўлими сўралган жиҳатлардан бирини қамраб олмаган бўлса.</p>

<p>Кадрлар билан таъминлаш режаси</p>	<p>Кадрлар режасини амалга ошириш Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ва фармацевтика ходимларига қўйиладиган Малакага оид талабларига, Битим муддати давомида Талабгор томонидан таклиф қилинган даволаш стандартларига ва тиббий ёрдам стандартларига мувофиқ тиббий хизмат кўрсатиши учун етарли миқдордаги малакали кадрларни таъминлайди.</p> <ul style="list-style-type: none"> - етарли миқдордаги малакали кадрларга эга бўлиш режалаштирилган; - ўқув режасини амалга ошириш тиббий хизмат кўрсатиш учун етарли миқдордаги малакали кадрларни таъминлайди; - Тегишли сертификатларни олиш / сақлаш учун ходимларнинг малакасини доимий равишда ошириш режалаштирилган. 	<p>Ўтди - агар Техник таклифнинг ушбу бўлими барча сўралган жиҳатларни қамраб олган бўлса.</p> <p>Ўтмади - агар Техник таклифнинг ушбу бўлими сўралган жиҳатлардан бирини қамраб олмаган бўлса.</p>
<p>Амалга ошириш режаси</p>	<p>Амалга ошириш режаси реал, аниқ ва бажарилиши мумкин бўлган муддатга эга ва амалга ошириш режасининг муддати кўрсатилиши керак.</p> <ul style="list-style-type: none"> - Амалга ошириш режаси, тиббиёт марказининг фойдаланишга топширилишини билдиради 	<p>Ўтди - агар Техник таклифнинг ушбу бўлими барча сўралган жиҳатларни қамраб олган бўлса.</p> <p>Ўтмади - агар Техник таклифнинг ушбу бўлими сўралган жиҳатлардан бирини қамраб олмаган бўлса.</p>
<p>Умумий баҳо</p>		<p>Ўтди - агар Техник таклиф юқоридаги барча мезонлардан “ўтган” бўлса.</p> <p>Ўтмаган - бошқа мезонларни баҳолаш натижаларидан қатъи назар, Техник таклиф мезонларнинг биридан “ўтмаган” бўлса.</p>

Тендер комиссиясининг ҳар бир аъзоси Тендер таклифларини баҳолаш шаклини тўлдиради. Тендер комиссиясининг ҳар бир аъзоси ўзи томонидан тўлдирилган Техник таклифларини баҳолаш шаклини Тендер комиссиясининг котибига топширади. Ўз

навбатида Тендер комиссиясининг котиби ҳар бир Техник таклиф учун баҳолаш натижаларини ҳисоблаб чиқади ва бирлаштирилган баҳолаш шаклини тўлдиради.

Тендер комиссиясининг кўпчилик аъзолари томонидан Техник таклифлар Баҳолаш шакллари “Ўтган” деб тўлдирилган тақдирда, мазкур Техник таклиф “Ўтди” деб ҳисобланади. Техник таклифлари “Ўтмаган” деб ҳисобланган Талабгорларнинг Молиявий таклифлари Тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди. Бундай Молиявий таклифлар солинган конвертлар очилмайди.

Учинчи босқич - Молиявий таклифни баҳолаш

Тендер комиссияси Молиявий таклифни қуйида келтирилган баҳолаш мезонлари асосида баҳолайди.

Талабгорлар **6-Илова**да кўрсатилган шаклда битта Молиявий таклифни тақдим этадилар.

Молиявий таклифда тиббиёт марказини ташкил этиш учун жами инвестиция миқдори сўмда кўрсатилган бўлиши лозим.

Тендер таклифининг бир қисми бўлган Молиявий таклиф ва Техник таклиф бир бирига мос келиши керак.

Молиявий таклиф ҳар қандай бевосита ёки билвосита шартларни ўз ичига олмайди, агар Молиявий таклифда шундай шартлар мавжуд бўлса, унда бундай Тендер таклифи рад этилади.

Тиббиёт марказини ташкил этиш учун унинг Молиявий таклифида энг юқори инвестиция миқдорини таклиф қилган муносиб Талабгор Тендер ғолиби деб тан олинади.

Агар икки ёки ундан ортиқ иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган Талабгор бир хил инвестиция миқдорини таклиф қилган бўлса, Талабгорларнинг қай бирининг таклифи биноларни реконструкция қилиш ва тиббий асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун кўпроқ маблағ ажратишни назарда тутса, шу Талабгор Тендер ғолиби деб тан олинади.

9-ИЛОВА: ДХШ тўғрисидаги Битим лойиҳаси

[Киритиш учун]